Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

# ҲУҚУҚ

ЮРИДИК ГАЗЕТА

1998 йил
27 май, чоршанба

# 20 (32)

Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган

## Ислом КАРИМОВ:

**Бу қарорлар ( Ер кодекси, Қишлоқ хўжалиги ширкати, Фермер хўжалиги, Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунлар назарда тутилмоқда) тўртта муҳим масалани ечади.**

**Биринчи масала - бу қишлоқ хўжалигида мулк масаласидир.**

**Иккинчи масала - деҳқонларнинг, қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш, мустаҳкамлаш масаласи.**

**Учинчи масала - бу қонунлар орқали қишлоқ жойларда, керак бўлса, бутун иқтисодимизда бу борадаги ишларни мутлақо янги асосда ташкил этиш, бугун замон талаб қилаётган услубларга ўтишдир.**

**Тўртинчи, энг муҳим масала - мен алоҳида урғу бериб айтмоқчиманки, бу қонунлар Ўзбекистонда янги синф, янги тоифа - мулк эгалари пайдо бўлишига мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади.**

**Ана шу масалаларнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини англасак, ўйлайманки, биз жуда катта иш қилган бўламиз.**

**Демак, агар биз мана шу қонунларни амалга оширмоқчи бўлсак, самарасини кўрмоқчи бўлсак, жойларда уларни тарғибот қилиш ишларини яхши йўлга қўйишимиз лозим. Авваламбор, муҳим қонун бўлмиш «Ер кодекси»ни, нафақат деҳқонлар, мана шу ерга алоқаси бўлган амалдорлар, балки мана шу масалани ечадиган барча мутахассисларга мазкур қонунларнинг асосий талабларини, моҳиятини етказишимиз керак. Токи бу қонунлар бизга нима беради, деган масала ҳар бир одамнинг онгига етиб борсин.**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида сўзлаган нутқидан).*

## «ЭВЕРЕСТ» АЛЬПИНИСТЛАР ЭКСПЕДИЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

Азиз ватандош альпинист - спортчилар!

Сизларнинг «Дунё томи» деб ном олган Эверестни забт этиб, ўзбек халқи номи ва байроғини Ер юзининг энг баланд чўққисига мангу муҳрлаганингиз ҳақидаги хушхабар менга катта мамнуният ва ғурур бағишлади.

Халқимиз ватанпарварлик жасоратингизни зўр ҳаяжон билан кузатиб турди ва ғалабангизни катта олқиш билан кутиб олди.

Юксак чўққи сари йўлингизда кўплаб мураккаб қийинчилик ва машаққатларни енгиб ўтганлигингизни биламиз. Сизнинг мақсад сари қатъият билан олга интилганлигингиз халқимиз табиатига хос бўлиб, бу - юртимиз руҳи ва иродасининг юксак намунасидир.

Ватанимиз довруғини дунёга таратган ушбу ғалабангиз Мустақиллигимизнинг етти йиллигига муносиб тухфа бўлди.

Самога туташ чўққи узра қадалган байроғимиз бизнинг озодлик ва ободлигимиз тимсоли сифатида абадий ҳилпираб турсин!

Барчангизни она юртимизга соғ-омон қайтишингизни тилайман!

Омад сизларга ёр бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## Хушхабар

## ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ ЭВЕРЕСТ ЧЎҚҚИСИДА!

***у озодлик ва ободлигимиз тимсоли сифатида абадий ҳилпираб турсин!***

5 кун аввал манглайидан мангу муз ва қор аримайдиган Ҳимолай тоғлари тарафдан юракларни ҳаяжонга солувчи ажойиб хушхабар келди. 22 май куни Ҳимолай вақти билан соат 16.30 да ўзбекистонлик альпинист Рустам Ражабов биринчи бўлиб Эверест чўққисига кўтарилди ва Ўзбекистон давлат байроғини қадади. Кейинги кунларда яна бир неча нафар ўзбекистонлик альпинистлар Эверестни (8848 м) забт этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти номига дунёнинг энг юқори чўққисидан туриб радиограмма йўллаган альпинистларимиз «Бу ғалабани биз жонажон Ватанимиз Мустақиллигининг етти йиллигига бағишлаймиз...», дея маълум қилишди.

## Чоршанбадан-чоршанбагача

Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлди.

Унда Қашқадарё вилоятидаги шаҳарча, қишлоқ ва овулдардаги фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссияларнинг фаолияти тўғрисидаги масала кўрилди.

***

Фавқулодда вазиятлар вазирлигида наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясининг мажлиси бўлди.

***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «1998/99 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорлари эълон қилинди.

**ТАЪСИСЧИЛАР:**

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси «Қонун ҳимоясида» журнали

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари

**БОШ МУҲАРРИР:**

Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

Асрор АҲМАДЖОНОВ
Дилшод ИСЛОМОВ
*(масъул котиб)*
Эркин ЙЎЛДОШЕВ
Мэлс НАИМОВ
Орипжон ХОЛМАТОВ
Лола ШОМУРОТОВА
Бахтиёр НАЗАРОВ
*(бош муҳаррир ўринбосари)*

Газета андозаси «Ҳуқуқ» газетаси компьютер марказида тайёрланди.

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.Газетадан кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик мақолалар^ белгиси остида чоп этилади.

**Таҳририят манзили:**

*Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 66 - уй.*

**Телефонлар:**
13-363-88, 13-382-34, 77-69-64.

Газета Тошкент вилоят матбуот бошқармаси томонидан №767 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида офсет усулида босилди.
Манзили: *Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси -41.*

Нусхаси 18987
Буюртма Г- 063
Қоғоз бичими - А-3.
Баҳоси сотувда эркин нархда.

Навбатчи муҳаррир:
**Б. УЛЛИБОБОЕВ**

Навбатчи:
**О.БЕГАЛИЕВ**

1 2 3 4 5 6 7

*Учрашув*

# РАҲБАР ХАЛҚ ОРАСИДА БЎЛСА...

**Гарчи даврага йиғилганлар расмий идоралардан - ҳокимият, прокуратура, милиция, жамоатчилик ташкилотлари, маҳалла қўмиталаридан оқсоқоллар, вакиллар, фаолларни ташкил қилса-да, гапни мажлис бўлди, дея бошлашим бироз ўзимга расмийроқ сўз туюлди. Яхшиси, ГУРУНГ бўлди, десам, маъқулроқ. Бу ерда айтилган фикр-мулоҳазалар, ўзаро савол-жавоблар очиқ-ойдин, дилдан, самимийлиги билан менга, яъни бир чеккада суҳбатга қулоқ тутиб ўтирган одамга шундай кайфият бахш этди.**

**Ўзбек элида кўп узоқ замонлардан, ҳаттоки подшо даврларидан, ота-боболаримиздан мерос - одат сақланиб келинмоқда: бирор муҳим масала бўлса, аввало, эл улуғлари, ёши катталарини маслаҳатга чорлаб кенгаш ўтказилган, гурунглар қилишган. Ана шу гурунгларда халқ кўнглидаги дарду қувончлари, орзу- ниятлари, мақсадинтилишларини ўз элу юртдошлари билан баҳам кўришган ва ҳаёт муаммолари, тўсиқларини биргаликда ҳал қилишган.**

Яккасарой тумани ҳокимиятида ўтган бундай йиғинда туман ҳокими Алишер Мирқосимов, шаҳар прокурори биринчи ўринбосари Бахтиёр Ҳақназаров, туман суди раиси Қаҳрамон Мирзажонов, туман прокурори Раимжон Рўзиев, туман ички ишлар бўлими бошлиғи Тўйчи Саидов, Солиқ инспекцияси бошлиғи З. Иноғомовлар иштирокида маҳаллақўм оқсоқоллари, жамоатчилик фаоллари, барча участка нозирлари биргаликда бугунги кунда туман аҳолиси ҳаёти, қонуний-лик ҳолати, жиноятчиликка йўл қўймаслик ва уни бартараф қилишда ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда маҳалла қўмиталари, жамоатчилик роли ҳақида фикрлашиб олиш, ютуқ ва камчиликларни муҳокама қилиш ниятида тўпланишган эди.

Суҳбатни туман ҳокими Алишер Мирқосимов бошлаб берди. Ҳоким ўз сўзида Яккасарой тумани - пойтахтда марказий туманлардан бўлиб, унда аҳоли зич яшаши, йирик корхона, ташкилот, идоралар, ўқув юртлари жойлашганини таъкидлаб ўтди. Шундай экан, албатта, туманда аҳолининг турмуш фаровонлигини, осойишталигини таъминлаш, турли жабҳаларда қонунбузарликка йўл қўймаслик учун ҳамма бирдек, у ҳоҳ раҳбар, ҳоҳ оддий фуқаро бўлсин, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишлари жуда муҳимлигини айтди.

- Шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаро, аввало, ватанига, халқига меҳр-муҳаббатли, садоқатли бўлишга бурчлидир. Давлатимиз қонунларига ҳурмат билан қараган, эл-улус олдида ўзини ҳамиша номаъқул ишлардан тийиб, ҳалол яшашга одатланган кишилардан иборат жамият тараққиёти равнақ топади, истиқболи порлоқ бўлади. Бунинг учун аввало, халқ ўз элбошларига ишонмоғи керак. Ўз ўрнида халқ ишончини қозониш учун жамоа, ташкилотларга бош бўлган мутасадди раҳбарлар, эл осойишталигини таъминлашга масъул ходимлар доимо зиммаларига юклатилган вазифаларига сидқидилдан ёндошмоғи лозим.

Суҳбат иштирокчиларига туман ички ишлар бўлими бошлиғи Тўйчи Саидов ўтган тўрт ой ичида рўй берган жиноятларни (одам ўлдириш, тан жароҳати етказиш, боскинчилик, ўғирлик, машина ўғирлаш, гиёвандлик билан шуғул-ланиш каби) санаб ўтиб, буларнинг ўтган 1997 йилнинг тўрт ойига нисбатан камайганлигини билдирди. Жиноятчиликка қарши кураш борасида олиб борила-ётган ишлар хусусида гапириб берди.

- Энг оғир жиноят одам ўлдириш бўлса, ўтган йилга нисбатан бу жиноятнинг содир этилиши 7 тадан 2 тага қисқарган. Аммо, бу дегани нохуш ҳодисаларнинг рўй бериши тўхтади, дегани эмас.

Маҳаллада фуқароларнинг тинчлигини сақлаш, тартиббузарликларни бартараф этиш масъулияти асосан участка нозирларининг зиммасига тушади. Шундай экан, улар ҳамиша иш жойларида ҳозиру нозир туришлари лозим бўлади.Ҳар куни кечаси ички ишлар бўлимида 30 нафар ходимдан иборат гуруҳ навбатчилик қилади. Ҳозирги кунда паспорт текширувлари бўйича мунтазам иш олиб борилмоқда. Қариялар, кам таъминланган оилаларга ёрдам тариқасида паспорт алмаштириш бепул йўлга қўйилган.

**Бахтиёр Ҳақназаров**: - Ички ишлар бўлимининг гапларига қулоқ тутиб ўтириб, назарингизда ҳамма ишлар рисоладагидай кетаётгандай туюлади. Аммо, бугунги шароитни чуқур мулоҳаза қилиб кўрадиган бўлсак, аҳвол биз ўйлаганчалик яхши эмас. Тўғри, жиноятлар сони камайган бўлиши мумкин, аммо жиноятчилар сони-чи? Уларнинг камайишига эриша олаяпмизми? Мени энг ташвишлантирадиган ҳол - вояга етмаган болалар ўртасида ҳамон жиноят содир қилинаётганидир. Жамиятимиз келажагига қайғурамиз десак, бугунги кунда биринчи навбатда фарзандлар тарбиясига долзарб масала деб қарамоғимиз даркор. Жиноятнинг олдини олишда фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятининг аҳамияти катта.

Ватан маҳалладан бошланади. Қайсики маҳаллада тартиб-интизом ўрнатилган, тинчлик-фаровонлик бор экан, шу маҳалладан яхши фарзандлар, баркамол инсонлар етишиб чиқади. Афсуски, ҳамма жойда ҳам аҳвол биз истаганчалик даражада эмас. Халқ ишониб сайлаган айрим маҳаллақўм раислари ўзларига билдирилган ишонч, ҳурматни суиистеъмол қилиб, халқ манфаатидан кўра кўпроқ ўз манфаатини ўйлагани ҳолда жиноятга қўл ураётган ҳолатлар рўй бермоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ажратилган маблағлар ноқонуний равишда ишлатиб юборилмоқда. Кам таъминланган, кўп болали оилаларга ажратилган маблағлар ўз эгаларига етиб бормаяпти. Сўзимизни далиллаб айтадиган бўлсак, шаҳримиз бўйича кам таъминланган оилаларга 232 миллион, кўп болали оилаларга 651 миллион сўм пул маблағи ажратилган эди. Текширишлардан маълум бўлишича, 1 ярим миллион сўм пул ноқонуний равишда ишлатиб юборилган. Баъзи кишилар қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб, таниш-билишчилик қилиб, маҳаллақўм оқсоқол-лари билан ўзаро келишган ҳолда ноинсофларча иш тутишган. Яна шуни таъкидлаб ўтишим зарурки, давлатимиз ғамхўрлик қилиб, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига ажратган пулларни бошқа мақсад-ларга, масалан, маҳалла ободончилиги каби юмушларга ишлатиш асло мумкин эмас.

Бугунги кунда қонун устиворлигини таъминлаш муҳимдир. Мен фурсатдан фойдаланиб эътиборингизни «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга қаратмоқчи эдим. Чунки, диний экстремизм, ваҳҳобийлик ҳаракатлари оқибатида Наманганда рўй берган ҳодисалар ҳаммамизга аёндир. Хавфсизлигимизга таҳдид қилувчи бундай оқимларни бартараф этиш бугунги кунда ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Яккасарой туманида Туркистон, Роҳат, Ю. Ражабий, Муқимий, Тўқимачи, Даларик, А. Қаҳҳор, Бошлиқ, Бобур, Ўриқзор, Конституция , Тепа, Қушбеги, А.Авлоний, Яккасарой -1, Яккасарой - 2, Миробод маҳаллалари бор. Ҳар бири ўзига яраша ҳаёт тарзи, катта-кичик жамоасига эга. Йиғинда ушбу маҳаллалардан келган фуқаролар, оқсоқоллар, маҳалла ҳаётига оид, шунингдек, ўзларини қизиқтирган саволлар, фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлашди. Тепа, Ю. Ражабий, Даларик, Бошлиқ маҳаллалари оқсоқоллари, шу маҳаллаларнинг бирида 65 йилдан бери истиқомат қилган онахоннинг қуюниб айтган гапларида бугунги куннинг нафаси мужассам эди:

- Маҳаллаларда тез-тез хайрли тадбирлар ташкил қилиниб турилади. Уларга юқори ташкилотлардан катта ловозим эгалари ҳам таклиф қилинади. Аммо, баъзи раҳбарлар иш кўплиги, вақти йўқлигини баҳона қилиб, бундай халқ билан юзма-юз бўладиган мулоқотларга келишмайди. Ахир, уларнинг иши шу халқ билан бирга бўлиш, эл дарду муаммосини ҳал қилиш эмасми?

- баъзи хонадон эгалари катта иморатлар қурор экан, ўзларига тегишли ер қолиб, кўчанинг йўловчилар ўтадиган йўлакларини ҳам эгаллаб олишади. Уларга қилаётган ишининг ноқонуний, нотўғри эканлигини тушунтириб кўринг-чи.

- кейинги йилларда пойтахтимиз катта қурилиш майдонига айланди, десак хато қилмаймиз. Аммо, баъзи қурилишлар бўлаётган жойлар иш тугагандан кейин ҳам кечқурун шовқин-сурон, бақириқ-чақириқ, ур-тўполонлар майдонига айланади. Яқин атрофдаги маҳаллалар, одамлар тинчлиги бузилади. Шуларни участка нозирлари назорат қилиб, тартиб бузганларга вақтида тегишли чоралар кўрса бўлмайдими?

- Пойтахтимизга турли вилоятлар, чет давлатлардан фуқаролар ишлагани, ёки бошқа сабаблар билан ташриф буюришади. Кўпчи-лиги уй-жой сотиб олишади, ижараларда туришади. Чет дан келган кишилар ҳаёти, уларнинг нима билан шуғулланаётганлиги, туражжой рўйхатидан ўтганми, шуларни ҳамиша назорат қилиб турмоқ керак.

- санитария-эпидемиология бошқармалари мутасаддилари ҳам шаҳар ободонлиги, озодалиги учун янада масъулиятларини оширсалар, дегандик. Чунки, кўпчилик хонадонларда кўниқўшниларнинг хоҳишларига қарамасдан, тегишли идоралар рухсатисиз итлар боқишади. Ўз вақти-да бунга ўхшаган ҳолатларга чора кўрилмас экан, оқибати яхши бўлмайди.

- баъзи идора ва ташкилотлар катта қурилишларни бошлаб қўйишади-ю, уларнинг ишлари йиллаб давом этади. Оқибатда кўчалар, одамлар ўтадиган йўлакларни бекитиб қўйишади, ёки чанг, тупроқ, асфальтсиз аҳволга ташлаб қўйишади. Шуларга Ҳ. Умаров кўчасини мисол қилсак бўлади.

- Маҳалла қўмиталари раислари қабул кунлари участка нозирлари билан биргаликда ишласалар.

Саволларга Б. Ҳақназаров, А. Мирқосимов, Т. Саидовлар жавоб беришаркан, айтилган фикр-мулоҳазаларни қўллаб-қувватлашди. Шаҳар, туман ҳокимияти, прокуратура ходимлари бундай тадбирларни ўтказишда ўз-ўзини бошқариш органлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, эл ташвиши ҳар бир ишдан-да муҳим.

**Мехрибону ҚУРБОННИЁЗОВА,**
**Мехри БОЛЛИЕВА,**
**«Ҳуқуқ» мухбирлари.**

*Таҳририятга хат келди*

# ГАЗЕТАЛАР КЎП, АММО...

Яқинда Тошкентда хизмат сафарида бўлдим. Газета дўконларидаги ранг-баранг газеталарни кўриб, кўнглим тоғдай кўтарилди. Хоҳлаган нашрни сотиб олиб ўқишингиз мумкин. Бундан ташқари, метро бекатлари ёнида ҳам турли-туман газеталар сотилмоқда. Энг асосийси танлаш имконияти бор. Агар бундай ишлар вилоят ва туман марказларида ҳам йўлга қўйилса жуда яхши бўларди. «Ҳуқуқ» ҳақида фикр юритадиган бўлсам, таҳририят ижодкорларининг изланаётганликлари сезилиб турибди. Айниқса, газетанинг 15 апрел сонида чоп этилган «Коррупция етказган иқтисодий зарар» номли суҳбат ҳақида тўхтал-моқчиман. Ушбу суҳбатда коррупциянинг мамлакатимиз иқтисодиётга етказаётган зарари фактлар асосида чуқур таҳлил қилиб берилган. Агар газетанинг кейинги сонларида ҳам ана шундай ўткир, дадиллик билан ёзилган мақолаларга кенг ўрин берилса, мухлисларнинг дилидаги иш бўлган бўларди.

Айниқса, айрим боқибеғам таъмагир раҳбарларнинг ҳақиқий қиёфасини халққа кўрсатадиган вақт келди.

**А. РАҲМОНОВ,**
**ўқитувчи, Термиз шаҳри.**

Ўсмир ва қонун

# БИРГАЛИКДА ҲАРАКАТ ЗАРУР

Мустақиллик йилларида бошқа соҳаларда бўлгани каби ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари фаолияти ҳам тубдан ўзгарди. Қабул қилинган янги қонунлар, улар ижроси таъминлашга қаратилган Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида иш олиб бораётган соҳа тизимларида муайян муваффақиятга эришилмоқда. Шу боисдан ҳам собиқ иттифоқ ҳудудидаги айрим мамлакатларда нотинчликлар давом этаётган бир пайтда Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон.

Албатта, 23 миллиондан зиёд аҳолиси бўлган мамлакат осойишталигини сақлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишда, мавжуд қонунбузарлик ҳолларини ўз вақтида аниқлаб, тегишли чора-тадбирлар қўллашда прокуратура ходимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Биз Республика прокуратураси ҳамда Ички ишлар вазирлигининг «Фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги хабар ва аризаларни ҳал қилишда қонунчиликни таъминлаш, жиноятларни ўз вақтида очиш бўйича» қўшма кўрсатмаси талабларининг жойлардаги ижроси аҳволини таҳлилий ўрганиб чиқиб, бу борада муайян муваффақиятларга эришилаётганига амин бўлдик. Ҳақиқатан ҳам ушбу кўрсатма асосида жойларда прокуратура ва ички ишлар ходимлари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аммо, ушбу муҳим вазифа ҳамма жойда ҳам талаб даражасида олиб борилаяптими?

Икки йиллик фаолият таҳлили шундан далолат берадики, баъзи туман, шаҳар ва вилоятларда вояга етмаганларнинг бедарак йўқолиш сабаблари етарли даражада чуқур ўрганилмаяпти. 1997 йилда бедарак йўқолганларни аниқлаш Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида 100 фоизга, Андижон вилоятида эса 94 фоизга таъминланган. Бироқ, ўтган ҳисобот йилида бедарак йўқолган ва қидирувда бўлган вояга етмаганларнинг 115 нафари Тошкент шаҳрига, 92 нафари Самарқанд, 91 нафари Тошкент, 64 нафари Сурхондарё вилоятларига тўғри келади. Ички ишлар идоралари масъул ходимларининг бепарволиги, масъулиятсизлиги ва жойлардаги прокурорларнинг ушбу масалаларга қонунларнинг бажарилиши устидан етарли назоратни таъминламаганликлари оқибатида бедараклар рўйхатидаги тахминан 18 фоиз ўсмирларнинг қаердалиги аниқланмаган. 1998 йил 1 январ ҳолатига жами 99 нафар ҳали вояга етмаган болаларнинг бедарак йўқолганлар, топилмаганлар ҳисобида турганлиги ташвишли ҳол бўлиб қолмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги Форобий 2-тор кўчаси 15-уйда яшовчи Гулнора Раҳмонова 1996 йилнинг 26 августида уйидан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган. Ушбу ҳодиса бўйича номигагина текшириш олиб борилиб, жиноят иши кўзғатиш рад этилган ва қарор қидирув ишини ташкил этиш учун туман ички ишлар бўлимига юборилган. Бу ерда ҳам қидирув иши юзаки ва сифатсиз юритилган.

Айни шу туманда вояга етмаган А.Ҳасанов ва З.Расуловани қидирув ишларида ҳам юқорида қайд этиб ўтилган камчиликларга йўл қўйилган.

Бундан ташқари, Шайхонтоҳур тумани 1-Ибн Сино даҳасидаги 15-уйнинг 60-хонадонида яшаган Ж.Юнусов, Қозиробод кўчаси 84-уйда яшаган З ёшли Р.Мелиева, Ҳамза туманидан вояга етмаган Ш.Шералиев, Е.Ричкова ва бошқаларнинг бедарак йўқолганлиги юзасидан ўтказилган текширишларда Республика прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги қўшма кўрсатмасининг бир қатор талаблари бажарилмасдан, асоссиз қарорлар қабул қилингани маълум бўлди. Республика прокуратураси топшириғига асосан вилоят прокуратуралари томонидан вояга етмаганларнинг бедарак йўқолиши сабаблари атрафлича ўрганиб чиқилди. Аксарият ҳолларда ота-оналар фарзандлари тарбиясига бефарқ қарашади, етарли назорат қилмайдилар, баъзан эса, болаларга нисбатан нотўғри муносабатда бўладилар. Худди шундай сабаблар билан ўз уйидан сўроқсиз чиқиб кетиб, бедарак кетган болалар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Масалан, Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Р.Ҳамроев номли жамоа хўжалигида яшовчи, 1981 йилда туғилган Шоира Б.нинг 1996 йил 24 июн куни уйидан чиқиб кетиб, бедарак йўқолганлиги-ҳолати бўйича туман прокурори томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тезкор-тергов ҳаракатлари олиб борилган. Натижада Шоира Б. Каттақўрғон шаҳридан топилиб, уйига қайтарилган ва жиноят ишининг бир қисми 1996 йилда тугатилган. Шу билан бир қаторда терговда Каттақўрғон шаҳрида яшаб турган даврида Маҳмуд Саидов исмли шахс уни зўрлаб, номусига текканлиги ҳолатлари ҳам аниқланган.Суд ҳукми билан М.Саидов 13 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Яна бир мисол. Оқдарё тумани Р.Ҳамроев номли жамоа хўжалигининг «Озод» қишлоғида яшовчи, 1984 йилда туғилган Дилрабо Худойбердиева онаси қалтаклаганлиги сабабли 1997 йил 26-июн кунида уйидан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган. Ушбу ҳолат бўйича туман прокурори томонидан қизнинг онаси Д.Сувонқуловага нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тезкор-тергов ҳаракатлари олиб борилган ва натижада Д.Худойбердиева Тошкент шаҳридан топилиб, уйига қайтарилган.

Наманган вилояти прокуратура органлари томонидан 1996 йил давомида бедарак йўқолган вояга етмаганлар тўғрисида тушган хабар ва аризаларга асосан 4 та жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган.

Чунончи, Чортоқ туманида яшаган, 1994 йилда туғилган Муҳлиса Деҳқонова 1996 йилнинг 26 сентябрида онаси билан уйидан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган ва 1996 йилнинг 17 октябрида уларнинг жасадлари топилган. Ушбу ҳодиса бўйича Чортоқ тумани прокурори томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган ва жиноят иши айблов хулосаси билан судга юборилган. Бу жиноят иши Уйчи туман судида кўрилиб, 1971 йилда туғилган Иззатилла Деҳқонов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 103-моддаси 2-қисми билан (ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш) айбли деб топилиб, 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Ички ишлар вазирлигининг маълумотига кўра, республика бўйича 1996-1997 йилларда турли хил ҳуқуқбузарликлари учун ички ишлар идораларига келтирилган вояга етмаганларнинг катта қисмини доимий равишда уйи ёки ўқув-тарбия муассасаларидан қочиб кетган болалар ташкил этган. Аҳвол таҳлил қилинганда, жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ёшлар билан ишловчи давлат, жамоат ташкилотлари ўз фаолиятларида жиддий камчилик ва нуқсонларга йўл қўйганликлари аниқланди. Бу эса вояга етмаганлар аксарият қисмининг бедарак йўқолганлар сафига қўшилиб кетишининг сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Айрим ички ишлар идоралари масъул ходимлари томонидан бедарак йўқолган вояга етмаганларни қидириб топиш, аниқлаш ҳақидаги маълумотларни бузиб кўрсатиш ҳолларига, кўзбўямачилик ва хизмат сохтакорлигига йўл қўйилиб, прокуратура идораларига нотўғри ҳисоботлар тақдим этиб келинган.

Жумладан, Сирдарё вилояти Мирзаобод ва Гулистон туманларида яшовчи Фарҳод Шукуров, Насиба Собирова, Зокир Ғанибқулов ва Фахриддин Худойбергановларнинг бедарак йўқолганлиги бўйича уларнинг яқинлари туман ва шаҳар ички ишлар бўлимларига ариза билан мурожаат қилишган. Аммо, уларнинг барчаси ота-оналари ёки қариндош-уруғлари томонидан топилган. Лекин, прокуратура органларига «ички ишлар бўлимлари ходимлари томонидан топилган», деб нотўғри маълумот берилган.

Ш.Рашидов туманидан бедарак йўқолган Феруза Ниёзова ота-онаси томонидан амакисининг уйидан топилган. Лекин, бундан хабардор бўлган туман ички ишлар жиноят-қидирув бўлими ходими Бобомуродов «1997 йил 13 ноябрда тезкор-қидирув йўли билан топилган», деб сохта маълумот берган.

Ёки, Янгиер шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи К.Холматов фуқаро Гулбаҳор Эргашеванинг бедарак йўқолган қизи Юлянинг Тошкент шаҳридан топилганлиги ҳақида туман прокурорига маълумот берган. Текширув материалига кўра, Юляни унинг холаси топиб, онасига топширганлиги, ички ишлар бўлимининг бу тўғридаги ахбороти сохта эканлиги аниқлум бўлган.

Ўсмирлар ўз ота-оналари, уй-жойларини ташлаб чиқиб кетишлари, айрим ота-оналарнинг вояга етмаган қизларини мажбуран турмушга беришлари туфайли ҳам содир бўлмоқда.

Масалан, Наманган шаҳри, Қўқон кўчасидаги 140-уйда яшаган, 17 ёшга тўлмаган Насиба Набиева ота-онасининг қистови билан қариндоши Ҳайрулло Дадақўзиевга турмушга чиққан. Рўзғор қийинчиликларига бардош беролмаган Насиба уйидан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган. Ушбу ҳодиса бўйича шаҳар прокурори томонидан «Тахтакўприк» маҳалла фуқаролар йиғини раиси номига тақдимнома киритилиб, тегишли чоралар кўрилиши талаб этилган.

Бундан ташқари, жойларда турли сабабларга кўра, қариндош-уруғлар, ака-укалар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар оқибатида ўсмирларнинг бедарак йўқолиши, баъзан эса жиноят қурбони бўлганликлари ҳолатлари ҳам мавжуд. Бухоро вилояти, Ромитан туманидаги «Қалайчорбоғ» жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро А.Бобоев 1996 йил 9 март куни туман прокуратурасига ариза билан мурожаат этиб, унда 1986 йил 20 сентябрда туғилган қизи Зарина Бобоеванинг 1996 йил 5 март куни уйидан чиқиб кетиб, бедарак йўқолганлигини билдирган.

Ушбу ҳодиса бўйича туман прокуратураси томонидан терговолди текшируви ўтказилиб, жиноят иши қўзғатилган. Олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатлари давомида А.Бобоев укаси, муқаддам судланган Р.Бобоев билан ўзаро келишмасдан қолганлиги сабабли Р.Бобоев акасидан ўч олиш мақсадида жияни З.Бобоеванинг ожизлигидан фойдаланиб, зўрлик ишлатиб номусига текканлиги ва содир этган оғир жиноятини яшириш мақсадида уни ўлдириб, туманнинг Ф.Қурбонов номли жамоа хўжалигидан оқиб ўтувчи бетон ариқ ёқасига кўмганлиги аниқланган. Тўпланган далилларга асосан Р.Бобоевга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан айб эълон қилинган ҳамда жиноят иши айблов хулосаси билан судга юборилган. Вилоят судининг ҳукми билан Р.Бобоев ўлим жазосига маҳкум қилинган.

Жойларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик яхши йўлга қўйилмаганлиги натижасида улар томонидан вояга етмаганларга доир қонунларнинг ижросини таъминлашда сансалорлик, хизмат бурчларини лозим даражада бажармаслик, ваколатини суиистеъмол қилиш каби салбий ҳолатлар учраб турибди. Бу эса ўз навбатида ўсмирларнинг уюшган жиноий гуруҳлар, баъзан айрим шахслар томонидан ўғирлаб кетилиб, ота-оналарига катта пул олиш эвазига қайтариб беришга уриниш каби иллатларнинг, шунингдек, айрим ҳолларда мудҳиш жиноятларнинг келиб чиқишига шарт-шароит ва замин яратаётганлиги ташвишли ҳолдир.

Ёшларни ҳаётда ўз ўринларини топиб олишларида барча бирдек ҳаракат қилмаса, жамиятимиз учун ёт бўлган бундай кўринишларга нуқта қўйиш мушкул. Шундай экан, жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари, маҳаллий ҳокимликлар, маориф тизими ҳамда ёшлар уюшмалари билан ҳамкорликда катта тушунтириш ишлари олиб боришлари, турли учрашувлар ўтказиб туришлари мақсадга мувофиқ бўларди.

Вояга етмаганларнинг бедарак йўқолишининг асосий сабаблари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда биз қуйидаги масалалар ечимига эътибор қаратишимиз керак:

- амалдаги қонунлар моҳияти ҳар бир ота-онага изчил тушунтирилиши, уларга Конституция ва қонунларда аниқ белгилаб қўйилган ҳуқуқлари ва айниқса, ўз фарзандлари олдидаги бурчлари ҳамда мажбуриятларини тўлароқ англатиш мақсадида ҳуқуқий тарғиботни ҳозирги кун талаби даражасига кўтаришга энг муҳим вазифа сифатида қаралмоғи лозим;

- халқ таълими тизими ходимлари, энг аввало, ўқувчиларга бўлган талаб ва муносабатларини Қонун ва миллий Дастурдан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқишлари, ҳафталаб, ойлаб дарсларга сабабсиз келмасдан билим олишдан бош тортиб юрган ўқувчиларни тўғри йўлга солиш мақсадида ота-оналар ва кенг жамоатчиликни жалб этиб, тарбияси оғир ҳисобланган бундай болалар устидан доимий назорат ўрнатишга эришишлари шарт;

- вояга етмаган болаларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда жойлардаги маҳалла қўмиталарининг роли беқиёсдир. Маҳаллақўмлар ота-она измидан у ёки бу сабаблар билан чиқиб кетган, мактабда ўқишдан, фойдали меҳнат қилишдан бош тортиб юрган ва бедарак йўқолганлар рўйхатига тушиб қолган болаларни аниқлаш ва қидириб топиш ҳамда уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишларида ғамхўрлик қилишга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Ножўя ҳаракатлар қилишга мойил ёшларни, улар яшаб турган оила аъзоларини жамият қонунларига тўлиқ итоат этишга чақириш, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги ҳар қандай келишмовчиликларнинг асл сабабларини аниқлаш, уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни маҳалла фаоллари ўртасида муҳокама этиш, чора-тадбирлар белгилаб борилиши Оила йили дастуридаги муҳим вазифалардан саналади.

**Абдурашид МАННОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси прокуратураси вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш бўлими бошлиғи, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.**

Прокуратура текширувидан кейин

**Яқинда Тошкент шаҳар прокуратураси болалар ва ўсмирлар соғлиғи ва яшаш шароитларига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда Бектемир, Сирғали, Юнусобод каби қатор туманлар халқ таълими бўлимларига қарашли ўрта мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида текшириш ўтказганда, тўғриси, кўзни кувонтирадиган ютуқлар билан бир қаторда, талайгина нуқсон ва камчиликлар кўзга ташланди. Ўзибўларчилик ва топширилган вазифаларга совуққонлик билан муносабат бўлиш натижасида юзага келган бундай ачинарли аҳвол шу соҳада ҳам жуда кўп ишлаш даркорлигини кўрсатди.**

# БУЛАР ИКИР-ЧИКИРЛАРМИ?..

Ваҳоланки, узоқ истиқболни кўзлаб ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида «Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устивор, деб эълон қилинади» дея ёзиб қўйилган. Бу дегани шуки, мамлакатни мустаҳкамлайдиган, унинг салоҳиятини оширадиган, жаҳон ҳамжамиятидан ўзига хос ва мос мавқени эгаллашни таъминлайдиган биринчи ва асосий омил таълимдир.

Болалар табиатан ниҳоят даражада сезгир ва зийрак бўлганлиги боис уларнинг назаридан ҳеч нарса-на яхши, на ёмон ҳолатлар четда қолмайди. Боланинг шакланаётган тасаввурларига муҳрланган нарсалар, айтиш мумкинки, улар улғайгандан сўнг қандай бўлса, шундайлигича ҳаракатга келади. Бошқача қилиб айтганда, болани вояга етказган муҳит унинг истиқболини белгилайди.

Текшириш давомида аниқланган фактлар эса, уларнинг камолига муносиб шароит яратиб беришимиз лозимлигидан бизни огоҳ этади. Масалан, Бектемир туман халқ таълими бўлимига қарашли 570-болалар боғчасида биз кўрган аҳволни яхши деб бўлмайди. Боғчадаги кир ювиш хоналари, озиқ-овқат сақлаш омборлари, тиббий хоналари таъмирланмаган, энг ташвишлиси боғча шифокор билан таъминланмаган. Ҳамшира томонидан иш, тиббий ҳужжатларнинг юритилиши талабга жавоб бермайди. Боғчада 1997 йилда мутахассислар томонидан ўтказилган тиббий кўрик натижаси тўғрисидаги маълумотлар ҳужжатларда кўрсатилмаган. Болаларга берилиши лозим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари тиббий ҳамшира томонидан назоратга олинмаган ва қайд қилиш дафтарига ёзилмаган.

Айнан шундай аҳволни тумандаги 574 - болалар боғчасида ҳам учратиш мумкин. Болалар кроватлари, ўрин-тўшаклар, тўшак жилдлари етарли эмас. Ҳожатхоналарда сантехника жиҳозлари ишламайди. Ошхонанинг санитария ҳолати талабга жавроб бермайди...

Сирғали туманидаги 608, 353, 356-болалар боғчаларидаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Бирида кроватлар етишмаса, бирида ўйин хоналари йўқ ёхуд тиббий хонага зарур бўлган тиббий анжомлар ажратилмаган. Текшириш ўтказилган қарийб барча боғчаларда озиқ-овқат маҳсулотлари сифати етарли даражада назорат қилинмаслиги ҳолатларига дуч келдик.

Юнусобод туманидаги айрим мактабгача тарбия муассасаларидаги аҳвол ҳақли равишда ота-оналарнинг норозилигига сабаб бўлаяпти. Шу туманда жойлашган 98-болалар боғчасида канализация ва сув билан таъминлаш тизими марказлаштирилмаган, гуруҳларда ҳарорат режимлари сақланмаган. Хоналар етарли даражада ёритилмаган. Гуруҳларда 18 тадан бола қабул қилингани ҳолда, кроватлар 15 тани ташкил этади. Нима, ҳар куни учта бола келмайдими, ёки бўлмаса тик оёқда туриб ухлайдими? Балки, баъзи болаларнинг «боғчага бормайман» дея ота-онасининг этакларига ёпишиб йиғлашларига сабаб шумикин?

Йўқдан бор, бордан йўқ бўлмайди. Нимаики юз берса, ўзимиздан. Эътиборсизлик ва масъулиятсизлик дамба-дам боғчаларда киши кўнглини оғри-тадиган нохушликларга сабаб бўлаётирки, бу ҳақда гапирмасликнинг иложи йўқ. Текшириш ўтказилган 598-болалар боғчасида ўтган йили 12 нафар бола, 205-болалар боғча-сида 21 нафар, 554-болалар боғчасида 12 нафар, 499-болалар боғчасида 11 нафар бола сариқ касаллиги билан оғриган.

Ота-она учун фарзандининг бахт-иқболини кўришдан улуғ саодат йўқ. Шунинг учун кўзининг оқу-қораси «иҳ» деса, уларнинг фароғатига ўт тушади, на ишида, на юришида ҳаловат бўлади. Мактабга, ё боғчага жўнатар экан, бир неча бор таъкидлайди: «Ҳай, болам, кўчадан эҳтиёт бўлиб ўт. Ўртоқларинг билан уришма, ўйинга берилиб овқатланишни унутма...» Лекин, бола бола-да. баъзан ота-онасининг танбеҳини фаромуш этади. Аммо, катталар-чи? Уларни тарбиялаш ва таълим беришга даъват этилган, соғлигига жавобгар бўлган шахслар-чи?

Текшириш чоғида бир қанча мактаблар фаолияти ҳам замон талабларидан орқада эканлиги маълум бўлди. Хусусан, 290-ўрта мактаб синф хоналарида ёритиш мосламалари ўрнатилмаган, коридорлар таъмирланмаган, тиббий ходим ажратилмаган, натижада болалар ўртасида аниқланган касалликлар юзасидан соғломлаштириш ишлари талаб даражасида олиб борилмаган. Шунга ўхшаш ҳолат 291- мактабда ҳам аниқланди.

Бир вақтлар республикамиз бўйича авария ҳолатидаги мактаблар рўйхатга олиниб, мавжуд аҳволни ўнглаш юзасидан бир қанча ижобий ишлар амалга оширилган эди. Чамаси, яна шу масалани кўтариб чиқиш лозимга ўхшайди. Сирғали туманидаги 267-ўрта мактаб эски мослаштирилган иморатда жойлашган бўлиб, 618нафар бола таълим олади. Мактабда болалар учун жисмоний тарбия хонаси йўқ, дарслар ҳовлида олиб борилади. Хоналар шифти, пол, доскалар таъмирга муҳтож. Ошхона йўқ. Текшириш вақтида мактабнинг 4-«б»ва 9«а» синф хоналари санитария талабларига жавоб бермаганлиги учун СЭС томонидан ёпиб қўйилди.

Юнусобод туманидаги 313-мактабдаги аҳвол бундан ҳам ачинарли. Мактабнинг учта биноси бўлиб, ҳозирги кунда биттаси дарслар ўтиш учун яроқсиз, яъни авария ҳолатида. Синфхоналарда парта ва стол-стуллар етишмайди. Кўплари болаларнинг бўйларига мосланмаган, хоналарининг санитария ҳолати ёмон. Ўқитиш уч сменада ташкил қилинганлиги натижасида дарс жадвали нотўғри тузилган. Мазкур текшириш юзасидан шаҳар прокуратурасининг жойларга юборган тақдимнома ва хатларига Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, Юнусобод туман ҳокимлиги ижроия маҳкамаси, Бектемир туман ҳокимлиги, Сирғали туман ҳокимлиги ижроия маҳкамаларидан жавоб хатлари келган. Жавобларни ўқиймиз: «Огоҳлантирилди... ҳайфсан берилди... Эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди... Яна шунингдек, кўрсатилган бари камчиликлар бартараф этилди... Таъминланди... Ажратилди... Таъмирланди... ва ҳоказо». Ана, бўларкан-ку. Албатта, бунинг учун ҳуқуқ-тартибот органларининг аралашуви, кимнидир огоҳлантириш, кимнидир жазога тортиш шартмиди. Ваҳоланки, шунгача бориб етмаслиги мумкин эди. Фақат бунинг учун текширишни кутиб ўтирмай, ишониб топширилган вазифага виждонан ёндошиб, камчилик ва муаммоларни ҳал этиш учун масъулиятни англаган ҳолда ҳаракат қилинса, олам гулистон эди.

Камчиликларни ҳаспўшлаш билан иш битмайди. Шундай қиламан деб хом хаёлга борган одам албатта панд ейди. Чунки келажак ёлғонлардан бунёд этилмас. Болалар эса келажагимиздир.

**Улуғбек ЖАЛОЛОВ,**
**Тошкент шаҳар вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи.**
**М.КУРБОННИЁЗОВА.**

Қишлоқ хўжалигида прокурор назорати

# ЭЛ МУЛКИ ДАХЛСИЗ

**Одатда кўпгина катта-кичик жиноятлар мавжуд қонунларни менсимаслик ёки четлаб ўтишга уриниш оқибатида рўй беради.**

**«Мевасабзавотузум» вилоят бирлашмаси тизимида умумий назорат тартибида ўтказилган текширишлар натижасида ҳам бир талай жиддий қонунбузарлиқ ҳолатлари аниқланди ва 1998 йилнинг биринчи чорагида 8 та жиноий иш қўзғатилди.**

Бахмал туманидаги «Деҳқонобод» ижара ширкатлар бирлашмаси ҳудудидаги Қудуқ қишлоғидаги айрим фуқароялар ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилиб, жамоа тасарруфидаги ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, хоҳлаган томорқа экинлари экиш билан шуғулланадилар ва 1995-97 йиллар давомида ер солиғи тўлашдан бўйин товлаб, давлат манфаатларига жиддий зарар етказганлар. 1, 74 гектар майдонни ўзбошимчалик билан эгаллаган фуқаро Н.Маҳмудовнинг манманлиги бирлашмага 36,6 минг сўм зарар келтирган бўлса, унинг ҳамқишлоқлари Р.Хўжамқулов 20,9 минг сўм, Э.Эшонқулов 25,5 минг сўм, Х.Ражабов эса 31,1 минг сўмлик моддий зиён етказиб, жавобгарликка тортилдилар.

Мирзачўл туманидаги «Боғбон» жамоа хўжалиги 1997 хўжалик йилини 7,5 миллион сўм иқтисодий зарар билан якунлади. Текширишлар хўжаликда ҳисоб-китоб ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги оқибатида моддий бойлик ва маҳсулотларнинг камомади келиб чиққанлигини кўрсатди. Етказилган зарар звено бошлиқлари Э.Холиқулов, Е.Бериқбоев, Н.Танишевлардан ундириб олинди.

Файзулло Турсунбоев Пахтакор туманидаги Х.Абдужабборов номли виночилик ва боғдорчилик ширкатлар уюшмаси қошидаги винони қайта ишлаш корхонасида бош винопаз бўлиб ишлаган. У 1996 йил 13 июл куни ўз номига расмийлаштирилган 189-рақамли ишонч қоғози орқали Сирдарё қишлоғидаги «Ўзбекистон» спирт ишлаб чиқариш корхонасидан умумий қиймати 177 минг сўм бўлган 300 деколитр спирт маҳсулоти олади ва ўз шахсий манфаати йўлида талон-тарож қилади.

Шу хўжаликнинг марказий омбор мудири Шодиёр Латипов ўзининг моддий жавобгарлигидаги 71,8 минг сўмлик товар моддий бойликларини ўзлаштирган бўлса, хўжалик таъминотчиси Тоғошар Умаров Янгийўл ёғ-мой маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятидан олинган 204,9 минг сўмлик пахта ёғи ва шелуха маҳсулотларини «сув» қилиб, чўнтагини қаппайтирган.

Жиззах туманидаги «Олтинсой» ижара ширкатлар бирлашмаси раҳбарлари А.Мавлонов ва Р.Ёрбековлар эса ердан фойдаланишда кўзбўямачилик йўлини тутадилар. Хўжаликда 1997 йилда 200 гектар майдонга пахта экилиши режалаштирилган эди. 4-қишлоқ хўжалик ҳисоботи бўйича ҳам юқори идораларга юз фоиз чигит экилганлиги ҳақида ҳужжат тақдим этилади. Аслида эса 165 гектарга пахта экилади. Пахта экилмаган 35 гектар майдон ҳамда йўл қўйилган асоссиз ва ноқонуний ҳаражатлар ҳисобига ширкатлар бирлашмаси манфаатига 497,9 минг сўмлик моддий зарар етказилган.

Текширишлар жараёнида очилган барча жиноятлар юзасидан қонуний жазо чоралари кўрилиб, эл бойлигига дахл қилаётган кимсалар тегишли сабоқ олмоқдалар.

**Улуғбек РАЖАБОВ,**
**Жиззах вилояти прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори.**

«02» хабари

## ЎЗ ВАҚТИДА ҲАБАР БЕРГАНИ УЧУН

Термиз шаҳри Ф.Хўжаев кўчасида яшовчи пенсионер М. Габбасованинг уй эшигини бемаҳалда кимдир тақиллатди. Унинг ўғлини сўраган нотаниш йигит эшик очилиши билан ўзини ичкарига олди ва уй эгасига дўқ ура бошлади:

- Қани, борингни бер, йўқса...

Талончининг важоҳатидан довдираб қолган уй эгаси қоп-даги шакарни кўрсатди. Уйдан пичоққа илинадиган ҳеч вақо тополмаган босқинчи йигит 50 килограмм шакарни елкасида кўтариб чиқиб кетар экан, яна дағдаға қилди:

- Агар бировга айтсанг...

М.Габбасова талончи ўйлаганидек, қўрқоқлардан эмасди. У дарҳол ИИБга келиб, бўлган воқеани маълум қилди. Тезкор қидирув ишлари натижасида шаҳарнинг Бокуменко кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган 19 ёшли Б.И.ушланиб, шакар ашёвий далил сифатида олинди.

**М.РАҲИМОВА.**

Ёмоннинг бир қилиғи...

# ҚУРИМАГАН ДОКА РЎМОЛ

Халқимизда «эр-хотиннинг уриши - дока рўмолнинг қуриши», деган нақл бор. Анора ҳам шундай деб биларди. Шу боис уйдаги гапни кўчага олиб чиқмас, эри ичиб келиб ҳақоратласа ҳам, калтакласа ҳам ичига ютиб юраверарди. Аммо, аҳвол ўзгармади. Эрига қамалиб чиққани ҳам ибрат бўлмади. Андишанинг отини кўрқоқ билган эр, ножўя одатини ташлаш ўрнига авжига минди, «ҳалол ошимни истаган жойимда ичавераман» дея хотинини кўчакўйда ҳақоратлаб, дўппослайдиган одат чиқарди...

Шу йил 11 март кунги жанжал ортиқча бўлди. Авваллига Акбарали хотинидан пул талаб қилиб, шовқин кўтарди. Анора эри сўраган пулни бериб юборган эди, кўчадан маст ҳолда қайтган эр жанжални янада авж олдирди. Қўлидаги винони икки пиёлага қуйиб, хотинини чақирди.

- Кел, иккаламиз бир отамлашайлик.

Анора рад жавобини берган эди, Акбарали тутоқиб кетди. Қўлидаги винони хотинининг юзига сепиб юборди-да, бақира кетди. Алами бу билан ҳам босилмай, «ўлдираман» дея дағдаға қилиб, хотини ва тўрт фарзандини кўчага ҳайдаб юборди. Анора болаларини олиб қўшнисиникига борди. Шу кеча қўшнисиникида ётиб қолишди. Анора эрта уйғонди.

- Туринглар, аҳаларинг босилиб қолгандир. Уйга борайлик, - дея болаларини ҳам уйғотди.

Акбарали ҳали ўзига келмаган эди. Кўчада, қўшнилар олдида турмуш ўртоғи ва болаларини ҳар хил уятсиз гаплар билан ҳақорат қилди. «Бари-бир ўлдираман», дея уларни ҳовлисига кувлаб киритди. Ҳовлига киргач, қўлига болта олиб, Анорага ташланди.

Эс-хушини йўқотган эр қўшнилар ва болалар кўз ўнгида хотинини тепкилай кетди. Болта билан елкасига туширди. Шу пайт қизи Қундуз фавқулодда чаққонлик билан отасининг қўлидан болтани тортиб олди.

Анора шунда ҳам миқ этмади. Фақат унсиз йиғлади. Орадан бир ой ўтиб, 11 апрел куни соат 19 ларда уйга маст ҳолда кириб келган Акбарали яна жанжал кўтарди.

- Кийимларингни ёқиб юбораман, молларингни сўйиб юбораман, қизларингни ҳароми қиламан, - дея хотини ва болаларини кўчага ҳайдаб юборди.

Анора ҳар галгидек, тишини тишига қўйди. Эртаси куни тирикчилик ташвишида «Отчопар» бозорига йўл олди. Орқасидан етиб борган Акбарали уни яна ҳақоратлаб, ўришга чоғланди. Бозордаги одамлар уларнинг орасига тушиб Акбаралини тутиб қолишди.

Аноранинг хўрлиги келди. Шу аснода ортиқ бундай яшаб бўлмаслигини эрини ҳар қандай насиҳат билан ҳам йўлга солиб бўлмаслигини тушунди. Агар аҳвол шу зайлда давом этаверса каттароқ фожеа рўй бериши мумкинлигини ўйлаб даҳшатга тушди. Бундай дақиқада жаҳлга эрк бериб ёхуд қизиққонлик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Анора имкон қадар ўзини қўлга олди. Ва ички ишлар бўлимига мурожаат қилди...

Янгийўл туман прокуратураси ва туман суди мазкур факт юзасидан жиноят иши қўзғади ва уни атрофлича ўрганиб чиқди. Илгари ҳам худди шундай жиноят содир этганлиги учун қамалиб чиққан Акбарали Иноятов суд ҳукми билан 6 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

«Бирни кўриб шукр қил, мингни кўриб фикр қил», дейдилар. Юқоридаги воқеа ҳаммамизни фикрлашга чорлайди. Эр оиланинг устуни саналади. Устунсиз уй қулаб тушгани каби эрсиз оила ҳам охир оқибат бир кун дарз кетади. Аммо, йигитларимиз Акбаралига ўхшаб, оилани ҳимоя қилиш ўрнига уни топтаса, аёллар додини кимга айтсин?! Удумларимизга кўра, оила бошлиғи эр саналади. Кейинги пайтларда оила тизгини аёллар қўлига ўтиб кетаётгани ҳақида кўпчилик ташвиш билан гапирадиган бўлиб қолди. Бунга ким айбдор? Акбаралига ўхшаган йигитлар эмасми? Оила муқаддаслигини тушунмайдиган, эрлик масъулиятини ҳис қилмайдиган бундай кимсалар туфайли қанчадан-қанча оилалар дарз кетиб, фарзандлар тирик етим қолмоқда.

Ана шундай номаъқулчиликларнинг олдини олиш, жамиятда оиланинг ўрнини мустаҳкамлаш ва унга бутун жамоатчилик эътиборини тортиш, энг муҳими, оилага ғамхўрлик масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариш мақсадида 1998 йил Оила йили деб эълон қилинди. Шу йилда Оила кодекси қабул қилинди. Демак, мамлакатимизда парокандаликка юз тутган оилалар сони тобора камайиб, намунали оилалар кўпайиб бораверади. Аҳил оилалар эвазига халқимиз тинч, фаровон турмуш кечиради. Давлатимиз қудратига қудрат қўшилади. Бунга шубҳа йўқ.

**Фарҳод ГОФУРОВ,**
**Янгийўл туман прокурори,**
**адлия маслаҳатчиси.**

Муносабат

# ЎХШАМАСА УЧРАМАСЛАР

## ЭКИ ҚУШХОТИНЛИ БЎЛИШНИНГ «БОЗОРЧА» УСУЛИ

«Давлатобод» жамоа хўжалигининг Пўка қишлоғида яшовчи Очил Хусановнинг хурмача қилиқлари ҳамқишлоқлари ўртасида узоқ баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Ёши биркам 60 да бўлса-да, ҳали қариб қўйилмаган бу отахон бундан роппа-роса 40 йил муқаддам Бону Усмоновани никоҳига олганди. У 4 фарзанднинг отаси, 8 неварани бувваси бўлди.

Аммо, нимадир бўлди-ю, эр-хотиннинг ўртасига ола мушук оралаб қолди. Одатдаги оилавий етишмовчилик, турмуш ташвишларидан келиб чиққан жанжал О.Ҳасановнинг фикрини ўзгартириб юборди. Машҳур мақолни «эр-хотиннинг уриши - бошқа турмуш қуриши» деб тушунди. Шундай қунларнинг бирида отахон рўзғорга майдачуйда олиш мақсадида бозорга йўл олди. Шакар, чой, макарон... Рўйхатни кўриб, унинг хафсаласи пир бўлди. Бозор ҳам бир гап бўлар, деди-ю, йўналишни Регистон майдонидаги чойхона томон бурди.

«Ўхшамаса учрамаслар», дегани рост экан. Иттифоқо, Замира исмли аёлни учратиб қолди. Гаплдан гап чиқиб, З.Хуррамова «беваман, эрим ўлган» деган эди, Очил тоғанинг аёлга ичи очиганидан кўзидан нақ ёш чиқиб кетай деди. Ҳеч ўйлаб ўтирмасдан, аёлга ёрдам беришга қарор қилди.

- Ҳаётнинг меҳрибонлигини қарранг, шундоқ табаррук жойда иккаламизни учратди-қўйди. Очиғини айтсам, мен ҳам хотиним билан уришганимга анча бўлган, ҳозир иккаламиз бўлак-бўлак яшаймиз. Истасангиз, сизни уйга олиб кетаман, суюкли ёрим бўлинг.

Хуллас, Очил тоға билан Замира хола Россия телевидениесининг «Бир боқишда муҳаббат» кўрсатувлари қаҳрамонларига ўхшаб, илк учрашувдаёқ оила қуришга қарор қилишди. Очил Ҳасанов бозор-ўчар қилишни ҳам унутиб, аёлнинг қўлидан етаклаб, уйи томон равона бўлди. Ўша куниёқ қишлоқ мулласи Ҳалим Хушвақтовни чақириб, никоҳ ўқитган бўлишди ва назарларида ўзларини шариатан ҳалоллаб олишди. «Ошиқ-маъшуқ»ларнинг «асал ой»лари узоққа чўзилмади. Очил тоғанинг ички ишлар бўлими назоратига олиниши уларнинг капалагини учириб юборди.

Қўшхотинли бўлишнинг бунақа бозорча йўли борлигини эшитган давлатободлик Ориф Тошмуродов шошиб қолди. Шеробод бозорида картошка сотаётиб, шу ерлик Рисолат Мелиева билан танишиб, апил-тапил унга «севги» изҳор қилди. Бир қоп ваъдадан ҳуши учган Рисолатхон ҳам севги домига қандай илингани-ю, Орифга қандай розилик берганини сезмай қолди. Ўша музофотдаги қайси бир муллага никоҳ ўқитишди-да, Рисолатни уйга бошлаб қайтаверди. Ўн яшар қизи «ота, бу опам ким бўладилар», деб сўраган эди, «меҳмон» деб қўя қолди.

Оилавий можаро «ижарага» олиб келинган шерободлик аёлнинг Орифга хусусий «мулк» бўлиб қолиш хавфидан бошланди. Халқимиз «биринчи хотин-хотин, иккинчиси қуруқ ўтин» деб бекорга айтмаган экан. Картошка бозоридан «топилган» хотин Орифга қўшхотинлик тамғасини ташлаб, ўзи жўнаворди.

Давлатободлик Маҳмаюсуф Қобилов сал бошқачароқ йўлдан борди. Кенжа ўғил туғилганидан кейин хотини Назокат Хушвақтовнинг дардга чалинганидан тутақиб кетди, гўё. Касалванд аёл билан яшашга тоқат қилолмай соғлом аёлга уйланишга қарор қилди. Мақсадга эришди ҳам. Назокат Султонова деган аёлга ноқонуний равишда уйланиб, яшаб юраверди.

Ўн икки йил турмуш қилиб, шу оила, рўзғор, бола-чақа ташвишида касал орттирган Назокат уч фарзанди қисматини, келажагини ўйлаб эри билан ажрашишга розе бўлмади. Ахир, эр-хотин бир-бирига фақат соғ пайти керакми? Улар касалланган пайтлари бир-бирига кўмак беришлари, оғирини енгил қилишлари керак эмасми? Маҳмаюсуф буни тушунишни истамаган эди, қонун ҳимоячилари тушунтириб қўйишди.

«Боғизгон» ижара хўжалигининг Ҳавзак қишлоғида яшовчи Имом Бекназаров ва Матлуба Ҳамроевалар ўн тўрт йил бирга яшаб, тўрт фарзандли бўлишди. Ниҳоят, ўн тўрт йилдан кейин эр-хотин бир-бирини рашк қилиб, жанжаллашиб қоладиган бўлишди. Ҳар бир жанжал Матлубанинг отасиникига «меҳмон»га бориб келишига сабаб бўларди. Охиргисида Матлуба кенжасини олиб кетиб, узоқ туриб қолди.

Имом худди шуни кутиб ўтиргандай, бошқа аёлга уйланди. Матлуба бу хабарни эшитиб, уйига қайтиб келди. Машмашалар И.Бекназаровнинг «ахлоқ тузатиш машқ»ини ўташига сабаб бўлди.

Тақдир экан, мирзаполванлик Камоллиддин Мўминов Ўлмасой Аҳмедовага уйланганининг 16 йиллиги муносабати билан яна бир хотинли бўлишни кўнгли тусаб қолди. Йўлини топиб Озода Обрўевани хотинликка олди.

Улуғбек номли жамоа хўжалигида яшовчи Неъматилло Бердиев Назира Сатторова билан уч йил турмуш қурди. Фарзандлари бўлмагач, Неъматилло Назирани акасининг уйига олиб-бориб ташлади. У билан қонуний ажрашмай туриб, Санобар Юсупова деган қизга уйланди. Бундан Назирани норозилиги устун бўлавергач, уни ҳам уйига олиб келишга мажбур бўлди. Оқибатда Неъматилло суднинг қора курсисига ўтирди...

Зикр этилган воқеалар ҳаммамизни хушёрликка, қўшхотинли масаласи хусусида обдон ўйлаб кўришга ундайди. Маълумки, ЖК нинг 120-моддаси айнан қўшхотинлик хусусида. Қўшхотинларга бериладиган жазо адолатли жазо. Зеро, никоҳсиз турмушда ҳеч қандай мазмун, лаззат, боқийлик йўқ. Никоҳсиз турмуш - ахлоқсизлик оқибатидир, дейди машойихлар. Дарҳақиқат, шундай.

**К.НАБИЕВ,**
**Тайлоқ тумани прокурори,**
**адлия маслаҳатчиси.**

Одобнома

Ҳусайн Воиз Кошифий

## ОТА-ОНА БИЛАН ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДА БЎЛМОҚ КЕРАК?

*Агар ота-оналар билан муносабат қоидалари нималардан иборат, деб сўрасалар, шундай жавоб бер:*

*- биринчидан, доимо ота-онага ҳурматда бўлиш;*

*- иккинчидан, улардан дунёнинг барча бойликларини аямаслик;*

*- учинчидан, ота-онага улар иззатини ўрнига қўйганлигини асло эслатмаслик;*

*- тўртинчидан, уларга ғазаб қилмаслик;*

*- бешинчидан, ота-она биринчи чақиргандаёқ олдиларига етиб бориш;*

*- олтинчидан, ота ёки она билан гаплашганда юзни буриштирмаслик, зарда қилмаслик;*

*- еттинчидан, ота-онанинг барча истакларини бажо келтириш;*

*- саккизинчидан, ота ва она билан гаплашганда овозни баланд кўтармаслик;*

*- тўққизинчидан, ота-онанинг рухсатисиз саёҳатга чиқмаслик;*

*- ўнинчидан, ота-онага қувонч келтиришга интилиш;*

*- ўн биринчидан, ота-онани муқаддас, деб билиш. Чунки барча гўзалликлар ўшалар туфайлидир.*

## ҚУШНИЛАР БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ

*Агар қўни-қўшнилар билан муомала қилишнинг қандай қоидалари бор, деб сўрасалар, ўн тўртта қоидаси бор, деб айтгин:*

*- биринчиси: қўшнилар билан хушмуомала ва ҳушёр, эътиборли бўлиш;*

*- иккинчиси: фойдали маслаҳат ва яхши истакларни улардан дариғ тутмаслик;*

*- учинчиси: агар қўшнинг сени ранжитса, уни кишилар олдида изза қилма;*

*- тўртинчиси: ўз имкониятинг даражасида қўшниларингга ёрдам бер. Уларни ранжитма;*

*- бешинчиси: ўз юкингни уларнинг елкасига ортма, аксинча, уларнинг оғирини енгил қил;*

*- олтинчиси: қўшнингга яхшилик қилган бўлсанг, уни эслатма;*

*- еттинчиси: агар қўшниларинг сенга ёрдам берсалар, уларга миннатдорлик билдир;*

*- саккизинчиси: қўшниларинг устидан бошқаларга шикоят қилма;*

*- тўққизинчиси: агар қўшниларинг бева-бечора бўлса, иложи борича кўмаклаш;*

*- ўнинчиси: агар қўшнинг бирор нарса сўраса, очиққўллик билан борини баҳам кўр;*

*- ўн биринчиси: сув, туз, ўтинни ҳеч иккиланмай қўшниларинг билан бўлиб ишлат;*

*- ўн иккинчиси: қўшниларингнинг болалари учун устоз, мураббий бўл;*

*- ўн учинчиси: қайғули ва қувончли кунларда қўшниларингга ҳамдам бўл;*

*- ўн тўртинчиси: умумий йўл, ариқ, ҳовли олдиларини беркитиб қўймасдан улардан биргаликда фойдалан.*

Билиб қўйган яхши

# ҚИММАТГА ТУШГАН ЭЪТИБОРСИЗЛИК

**Маълумки, халқимиз азалдан уйда ов милтиғини сақлашга одатланган. Бундан 20-25 йиллар бурун туман марказларида ов милтиқлари савдоси билан шуғулланадиган махсус дўконлар бўлган. Уларда турли калибрли ов милтиқлари ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмасдан эркин сотилаверарди. Ўша пайтларда кўпчилик фуқаролар зарур - зарур эмаслигига қарамасдан ов милтиқларини сотиб олаверишган. Бу қуроллар баъзи шахслар томонидан ҳозирги кунгача туман Ички ишлар бўлимида рўйхатдан ўтказилмасдан сақлаб келинмоқда.**

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, собиқ иттифоқ даврида амалда бўлган қонунларда, хусусан, жиноят кодексида рўйхатдан ўтказмасдан ов милтиғини сақлаганлик учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилмаган эди. Ўзбекистон Республикасининг янги жиноят кодекси илгаригисидан тубдан фарқ қилади. Унда жамият хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 248-моддада тегишли рухсатномасиз ов қуролларини сақлаганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланди. Жумладан, ўқотар қуроллари, ўқ-дориларини тегишли рухсатномасиз сақлаганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаригача миқдорида жарима солиш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Кўпчилик фуқароларимиз янги кодекснинг бу талабини билмасликлари, ўзларининг эътиборсизлиги ёки амалдаги Республика қонунларини мэнсимасликлари оқибатида уйларида ҳамон ов қуролларини сақлаб келганлиги учун жиноий жавобгар қилинмоқда. Ов милтиқларини тегишли тарзда рўйхатдан ўтказмасдан ёки Ички ишлар идораларига топширмасдан суд жавобгарлигига тортилиб, ҳатто озодликдан маҳрум қилинмоқдалар.

Биргина 1997 йилда 5 та фуқаро ЖКнинг 248 -моддаси 1-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилган эди. 1998 йилнинг дастлабки уч ойининг ўзида 2 та шахс шундай ҳаракати учун жавобгар қилинди.

Энди мисолларга мурожаат қилсак. Ал-Хоразмий номли жамоа хўжалигида яшовчи Ражаббой Каримов уйида рўйхатдан ўтказмай, 16 калибрли ов милтиғи сақлаганлиги учун 1 йилу олти ой, Искандар Абдуллаев бир йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Шунингдек, тумандаги Ш. Рашидов номли жамоа хўжалигининг 8-бригадасида яшовчи Аҳмаджон Бакиевга нисбатан кўзғатилган жиноят иши ҳозирги кунда судга ўтказилиш арафасида. Бундай мисолларни кўплаб келтириш, рўйхатни узоқ давом эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтишдир. Зеро, қонуннинг бу талабини кўпчилик билмайди. Шу сабабли жойларда милиция участка нозирлари, фуқаролар йиғини раислари ва бошқа жамоат фаоллари аҳоли ўртасида амалдаги қонунлар талаблари ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб борсалар, фуқароларимиз ўз ихтиёрлари билан ноқонуний равишда сақланаётган ов милтиқларини топширсалар ёки Ички ишлар бўлимида рўйхатдан ўтказиб сақласалар, нур устига нур бўларди. Зеро қонунларда милтиқларини ўз ихтиёрлари билан топширган шахслар жиноий жавобгарликка тортилмаслиги кўрсатилган.

**Яқинда умумий назорат тартибида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида одамлар ва ҳайвонларнинг қутуриш касалига қарши курашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва шу асосда тасдиқланган «Аҳолининг яшаш жойларида ит, мушук ва бошқа ҳайвонларни сақлаш қоидалари»га риоя қилиниши, бу масала ижроси туман фуқаролар йиғинлари раислари ва Ички ишлар бўлими томонидан қандай бажарилаётгани текширилди.**

Бу борада 1996 йилнинг ноябрь ойида ҳам туман прокуратураси томонидан текшириб ўтказилиб, қарор ижроси учун масъул бўлган мутасаддилар номига тақдимнома киритилган эди. Лекин тақдимномани одатдаги қоғозбозлик деб тушунган туман ҳокимияти, Ички ишлар бўлими ва фуқаролар йиғинлари раислари ҳеч қандай ўзгариш қилишмаган. Эътиборсизлик давом этаверган. Оқибатда ўтган йилда 6 фуқарони эгаси маълум ва маълум бўлмаган итлар тишлаган бўлса, 1998 йилнинг икки ойида бу 53 тани ташкил этди. 1997 йилда иккита ҳайвон (битта сигир, битта ит) қутурган бўлса, 1998 йилнинг биргина икки ойида ҳам иккита ит қутурган. Фуқароларни тишлаган итларнинг 13 тасининг эгаси номаълум. Мазкур қарорнинг иккинчи бандида қаровсиз қолган ит, мушук ва бошқа ҳайвонларни тутиш ҳамда қириб ташлаш ва уларни тайёрлов идораларига фойдаланиш учун етказиб бериш вазифаси қишлоқ жойларида Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги вазирлигига, унинг ветеринария хизмати идораларига, маҳалла, овул ва фуқа-ролар йиғинларига юклатилган бўлса-да, улар бу талабни бажармаганлар. Айниқса, бу қарор ижроси қониқарсиз бажарилган Сарапаён қишлоғи-да 15 та, Намуна қишлоғида 10 та, Навоий қишлоғида 8 та, Мадир қишлоғида ва Хонқа шаҳарчасида 6 тадан, Томадургадик қишлоғида учта , Оложа, Амударё қишлоғида 2 тадан, Корокош қишлоғида битта шахсни ит тишлаб, шифохонада даволанганлар.

Қарорда белгиланганидек, итлар зотидан қатъи назар, уч ойлигидан бошлаб, янги сотиб олинган итлар бир ҳафталик муддат ичида тегишли фуқаролар йиғинида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатга олиш дафтарини юритиш фуқаролар йиғинлари раислари зиммасига юклатилган. Қоидага хилоф равишда ит, мушук сақлаган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун материалларни судга ўтказиш туман Ички ишлар бўлими ходимлари ва фуқаролар йиғини раисларига юклатилган. Аммо, туман Ички ишлар бўлими бошлиғининг номига 1996 йил ноябр ойида тақдимнома киритилган бўлишига қарамасдан, ўтган давр мобайнида бирорта материал судга юборилмаган. Оқибатда рўйхатдан ўтказилмаган итлар тишлаган 53 фуқаро 637 кун касалхонада даволанган. Бунга давлатнинг 327. 935 сўмлик маблағи сарфланган. Бу битта туманда атиги 2 ойда сарфланган харажат. Назаримда бир йил давомида республика бўйича сарфланиши мумкин бўлган маблағни тасаввур қилиш унчалик қийин бўлмаса керак. Мазкур қарорнинг ижроси учун масъул бўлган шахслар ўзларининг эътиборсизлиги, лоқайдлиги туфайли давлатнинг миллионлаб маблағларининг сарфланиб кетаётганлигини билишармикин?

Биз текшириш якуни бўйича ғайриқонуний равишда ит сақлаган шахсларга нисбатан Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 110-моддаси 2-қисми билан 8 та маъмурий иш қўзғатиб, кўриб чиқиш учун туман судига юбордик. Ит тишлаган шахсларни даволашга кетган 22.116 сўмни ит эгаларидан давлат фойдасига ундириш ҳақида туман судига 8 та даъво аризаси киритилди. Қўзғатилган барча маъмурий ишлар ва даъво аризалари туман суди томонидан қаноатлантирилди.

**Комилжон РАЖАБОВ,**
**Хонқа тумани прокурори.**

Беминнат хизмат

# ҲУЖЖАТИНГИЗ ЙЎҚОЛИБ ҚОЛСА...

**Бирон нарсангиз, айниқса, давлат томонидан сизга ишониб топширилган ҳужжатларингиз тўсатдан йўқолиб қолса, қанчалик кайфиятингиз тушиб кетишини тасаввур қилиб турибман. Энди ана шу йўқолган ҳужжатингизни топиб берган кишидан қанчалик миннатдор бўлишингиз ҳам барчага аён.**

**Ана шундай фуқароларга беминнат хизмат кўрсатаётган ташкилот - Тошкент шаҳар ИИБга қарашли Топилмалар хизмати бўлимидир.**

**Мазкур маҳкама нима иш билан шуғулланиши-ю, қаерда жойлашганлигини унга иши тушмаган одам билмайди, иши тушганлар эса роса қийналиб топиб боришганлигини айтишади. Газетхонларимизни ушбу маҳкама фаолияти билан таништириш мақсадида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига қарашли топилмалар хизмати бўлимининг бошлиғи Донохон ХАЛИЛОВА билан суҳбатлашдик.**

***- Донохон опа, бўлим иш фаолияти ҳақида қисқача сўзлаб бермоқчисиз?***

- Маҳкамамиз фаолияти Тошкент почтаси иш фаолияти билан боғлиқ. Фуқаролларнинг турли жойларда йўқотган буюмлари, ҳужжатларини милиция ходимлари ёки топиб олган виждонли кишилар олиб келиб топширишади. Ҳужжатлар қўлимизга келиб тушган заҳоти, эгаларига топилган ҳужжатларини олиб кетишини сўраб хат ёзамиз. Агар бир ой даво-мида ҳужжат эгаси келмаса, биз бу топилмани уни берган ташкилотларга почта орқали жўнатамиз. Агар фуқаронинг йўқолган ҳужжати бир ой давомида топилмаса, уларга бу ҳақда маълумотнома ёзиб берамиз. Шу маълумотномага асосланиб, уларга ҳужжат берган ташкилот томонидан янги ҳужжат ёзиб берилади.

***- Ҳужжатини йўқотиб қўйган фуқаролар маҳкамангизга келишидан олдин қаерга мурожаат қилишлари керак?***

- Ҳужжати йўқолиб қолган шахс биринчи навбатда, ҳужжатни берган ташкилот раҳбари номига ариза ёзиши, сўнг паспорти билан шахсан ўзи келиб бизга мурожаат қилиши керак. Йўқолган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилгандан кейин маълум бир вақт давомида бизга келадиган почталарни кутамиз. Агар ҳужжат топилса, юқорида айтилган тартибда эгаларига топширамиз.

***- Кузатишим бўйича, бу ерга келадиган фуқароларнинг кети узилмайди. Ўта масъулиятли ва савоб ишларни амалга ошираяпсизлар. Иш жараёнида сизларни қийнаётган муаммолар ҳам борми?***

- Дарҳақиқат, иш бор жойда муаммо ҳам бўлади. Бизнинг маҳкамамиз кичкина бўлишига қарамай, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридек катта ҳудуд учун хизмат қилади. Мазкур ҳудудда 4 миллион аҳоли яшайди. Қабул кунлари 40-50 кишини қабул қилиб, уларнинг ҳужатини чиқаришга ҳаракат қиламиз. Ўтган йили бўлимимизга 3 мингдан ортиқ ҳужжат келиб тушган. Шундан 2 мингга яқин ҳужжатлар эгаларига топширилди.

Бизни қийнаб турган муаммо, ўзингиз ҳам кўриб турганингиздек, жой масаласи. Жуда кўп фуқаролар иш билан-бу ерга келишади. Одамлар навбат кутиб ўтириши учун эса, жой йўқ. Улар ёмғирли кунларда ҳам ташқарида тик турган ҳолда кутиб туришга мажбур. Шунинг учун ҳокиматдаги мутасаддилар бизга қулайроқ шароит яратиб беришса, мижозларимизга ҳам, бизга ҳам енгил бўларди.

Бизга қийинчилик туғдираётган яна бир нарса шуки, фуқаролар ичида зўравонлик билан ишини битириб кетмоқчи бўлганлар ҳам учраб туради. Турли ташкилотлар, органлар номидан келадиган бундай тоифадаги мижозларимиз, кўпинча, ортиқча асаббузарликларни юзага келтиради. Паспорт, туғил-ганлик ҳақидаги гувоҳнома, никоҳ гувоҳномаси, прописка бор-йўқлиги ҳақидаги 6- шаклдаги қоғоз, уй дафтарчаси ва буюмларга йўқолганлик ҳақида маълумотнома топилмалар хизмати томонидан берилмайди. Лекин, баъзи корхона ва ташкилот раҳбарларининг қонунни, ҳужжатлар устида ишлаш тартиб-қоидаларини билмаслиги оқибатида фуқаролардан топилмалар бўлимидан маълумотнома олиб келишни талаб қилиши кўпгина фуқароларнинг бекорга сарсон бўлишига сабаб бўляпти. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун ҳужжат талаб қилувчи мутасаддилар ҳам биздаги тартиб-қоидани билиб қўйсалар яхши бўларди. Чунки, Тошкент вилоятининг узоқ жойларидан йўлкира сарфлаб келган кўпгина фуқаролар ана шундай мутасаддиларнинг нотўғри йўлланмалари сабабли сарсон бўлиб, қайтиб кетишлари ачинарлидир. Бундан ташқари, шундай ҳоллар ҳам учрайдики, баъзи фуқаролар ноқонуний равишда аслида берилмаган, йўқ ҳужжатлар учун биздан маълумотнома талаб қилишади. Баъзи тоифа фуқаролар эса ҳужжати йўқолганига ҳеч бир муддат ўтмасдан тезроқ маълумотнома олиб кетишга ҳаракат қилишади. Биз бундай фуқароларга озгина сабр қилишса ҳужжатлари топилишини, ортиқча асаббузарликка ҳожат қолмаслигини уқтирмоқчимиз.

Чунки, бизнинг рўйхатимизга тушган ҳужжатларнинг 70-80 фоизи топилиб, эгасига топширилмоқда.

***- Маҳкамангизнинг иш тартиби қандай?***

- Ишимиз қанча қийин бўлса ҳам, халққа беминнат хизмат кўрсатиш бизга насиб қилганидан хурсандмиз. Шу билан бирга бизга иши тушган фуқароларга қандай бўлмасин ёрдам беришга ҳаракат қиламиз, йўл-йўриқ-лар кўрсатамиз.

Топилмалар хизмати бўлимининг иш режими қатъий ўрнатилган. Ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума кунлари соат 9 дан 16 гача, шанба куни соат 9 дан 15 гача ишлаймиз. Пайшанба профилактика куни. Шу куни соат 10 дан 12 гача жойни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари , вазирликлар, солиқ инспекцияси хизмат ходимлари қабул қилинади. Шанба куни соат 15 дан 16 гача эса бошқа ташкилотлар, фирмалар, завод-фабрика, банклар, элчихоналар, касалхоналар ва бошқалар учун қабул кунидир. Бўлимимиз Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси 18 - уйнинг биринчи қаватида жойлашган.

**Суҳбатдош**
**М.БОЛЛИЕВА.**

Жиноятга жазо муқаррар

# «КЎЗИМГА ҲЕЧ НАРСА КЎРИНМАДИ...»

**Қорақалпоғистон Республикаси тергов ва суд тажрибасида биринчи марта ёлланма қотиллик кўриб чиқилди.**

1997 йилнинг 3 октябри. Турдибой ниҳоят бир қарорга келди. Ортиқча ўй суришни бекорга билиб, ўртоғи Оралбойникига қараб йўл олди.

Суҳбат ҳадеганда ковушавермади. Турдибойдаги қатъиятдан асар ҳам қолмаганди. Ичидагини айтолмай қаловланиб кўп ўтирди. Оралбой, бир дардинг бор-ов, айт, ҳал қилишга ёрдамлашаман, деб кисталанг қилавергач, кўзини ерга қадади.

- Ботир оғам ҳаммамизнинг жонимизга тегди. Бор-йўғимизни сотиб, ичиб бўлди, нима қилишга ҳам ҳайронман.

Турдибой бошини хиёл кўтарди, чуқур хўрсиниб қўйди.

- Биласанми, қандай қарорга келдим?

- Хўш, - Оралбой ёнбошлаб ётган жойидан туриб, ўртоғи томонга яқинроқ силжиб ўтирди.

- Уни гумдон қилиш керак...

Орага совуқ сукунат чўкди.

- Шунга ёрдам берсанг, сендан миннатдор бўлардим, - паст оҳангда гапида давом этди Турдибой. Сўнг шоша-пиша қўшиб қўйди. - Эвазига 32 минг сўм бераман.

Оралбой ўйлаб кўришга ваъда бергач, Турдибой жойидан қўзғолди. Уйга келганида боши лўқиллаб оғрирди. Йўл бўйи нималарни ўйлади, эслолмади. Ўзи мана шу фикр юрагида илдиз ота бошлаганидан буён тинчи йўқ. Гоҳ-гоҳ ўзидан ўзи сапчиб тушади. Кечалари алаҳсираб чиқади. «Э-э. - кўл силтади Турдибой. - бўлари бўлди, ишт қолипдан кўча бошлади...».

***

Бу хабар Ботирга ёқиб тушди. Шоша-пиша кийиниб, Оралбойга эргашди.

Турдибой орасининг изидан гамгин қараб қолди. Юраги ўйнай бошлади. Нимадир уни қаттик сиқувга олаётгандай эди. Ўша нимаидир енгиш учун ҳовлида узоқ тентиради. Вақт гўё тўхтаб қолгандай, ҳеч ерга ўтавермайди. Томирлари эса узилиб кетай деяпти.

Ниҳоят, Оралбойнинг қораси кўринди.

- Иш битди. Ўша бола бир ёқли қилди.

...Иккволон қолган ароқни бўшатишди.

***

Жиноятчи Қонунларимизга зид хатти-ҳаракат содир қилган шахсни бир шундай ноилажмиз ва улардан нафратланамиз. Уларни жиноят содир этишга нима мажбур қилди? Муаммоларни, келишмовчиликларни ҳал қилишнинг қонуний йўли йўқми? Дейлик, юқоридаги жиноятни содир этиш жараёнида Турдибой билан Оралбой қандай кечинмаларни ҳис қилди, уларни жиноятга бошлаган куч нима?

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ва Олий суди мазкур жиноятни атрофлича ўрганиб чиқиб, беш кишини айбдор деб топди. Булар Жиноят Кодексининг 248-моддаси 1-қисми, 97-модда 2-қисми билан айблануви Турдибой Ембергенов, 248-модда 1-қисми, 247-модда 1-қисми ва 97-модда 2-қисми билан айбдор деб топилган Оралбой Бекмурадов ва 248-модда 1-қисми билан айблануви Рафатдин Ембергенов, Қаналбой Мурадкамолов, Қуат Оразмбетовлардир.

Айбига иқрор бўлган Турдибой Ембергенов қуйидагича кўрсатма беради:

- 1997 йилнинг 13 октябрида жўрам Оралбой билан оғам Ботирни ўлдирдик. Чунки, Ботир бизга бир умр озор бериб келди. Ҳеч қаерда ишламади, хоҳлаган пайтида келиб, уриб, кўркитиб, хоҳлаган нарсасини олиб кетарди. Онам бечора унинг қалтаклаларига чидай олмай, доим йиғлаганийиғлаган эди. У қазо қилганидан кейин ҳам Ботир тинчимади. Ота-онамиздан мерос уч-тўртта қора мол, йигирматача қўй-эчки, гилам ва бошқа нарсаларни кўркитиб олиб кетди. Ҳар келганида пул топиб берасан, деб жанжал қиларди. Яна ... опам ва сингилимни зўрламоқчи ҳам бўлган... Охири... Кўзимга ҳеч нарса кўринмади. Уни ўлдирмагунча қутулолмаслигимизни англадим. Ўзим ўлдирмоқчи эдим, кўнглим бўлмади. Кейин ўртоғимга айтдим.

Бир қарашда Турдибойнинг кўрсатмалари уни оқлайдигандек туюлади. Гўё у ўзини ҳимоя қилиш учун шу ишга қўл урган. Эҳтимол, шундай бўлгандир ҳам. Аммо, у ва опа-сингилари Ботирни ёмон йўлдан қайтариш учун жиддий ҳаракат қилишганми? Қолаверса, ўзларини ҳимоя қилиш учун нақотки қўл топа олишмаган? Бу Турдибой имони заиф, эътиқоди суст, кўрқоқ одам, деган хулосага олиб келмайдими? Шундай хулосага келдик ҳам дейлик. Бироқ, унинг кўрсатмалари бизни янада жиддийроқ ўйлаб кўришга ундайди. Яъни, жиноятнинг илдизи узоқроққа бориб тақалади. Оилада порокандалик бошланганига анча бўлган. Нақотки, бу порокандаликни уларнинг овулдошлари пайқашмаган бўлса? Ахир, Ботир ўз онасини муттасил қалтаклаб келган-ку. Тўғри, она бағри кенглик қилиб, ҳеч кимга шикоят қилмаганиқ рост. Аммо, буни бошқа фарзандлари кўрган, улар кимларгадир бу хусуда йиғлаб гапириб бергандир. Нақотки, атрофдагилар ношуд фарзанди инсоф-диёнатга чақиришга журъат қилишмаган. Нақотки, улар ақвол шу зайл давом этса, ёмон оқибатга олиб келиши мумкинлигини ўйламаганлар.

Ҳалқимизда бир мақол бор. «Оч қорнин тинч қулоғим». Кўпчилигимиз қулоғимиз тинч бўлиши учун бировнинг муаммоларига аралашишни ўзимизга эп кўрмаймиз. Кимнингдир онасидаги жанжал бўлганлигини эшитсак, бу хусусда бошқа бир қўшнимизга завқ билан ҳикоя қиламиз. Жанжал чиққан уйдан ўзимизни узоқроқ олиб қочамиз. Ҳеч қачон можароларга аралашмаганимиз, оила аъзоларини инсофга, муросага чорламаганимиз учун ўзимизни айбдор санамаймиз. Бу хусусда ўйлаб кўрмаймиз, ҳатто. Кегейлининг Б. Каримбердиев номли ширкатлар уюшмаси аҳолиси ҳам Ембергановлар оилосидаги можароларга бефарқ муносабатда бўлишди, акаукани яраштириб туришни ўзларига эп кўришмади. Ва ҳозир ҳам эҳтимол, бу фожеада қисман бўлса-да, ўзларини айбдор билишмас...

Айблануви Оралбой Бекмурадовнинг кўрсатмалари яна мулоҳазага ундайди.

- Рафатдин Есемуродов онамнинг укаси бўлади. 1997 йилнинг 1 октябрида уникига бордим. Ўйида онасидан бошқа ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, Рафатдиннинг милтиғини сотиш ёки уйдаги итни оттириш ниятида ўғирладим. Буни Рафатдин ҳам, унинг уйидагилар ҳам билмас эди. Милтиқнинг ичида бир дона эски ўқ бор экан. Шундай кунларнинг бирида синфдошим Турдибой уйимизга келди, дардини айтди. Унинг гапларини эшитиб, менда Ботирни ўлдириш истаги пайдо бўлди. Очиғи, унда ўзимнинг ҳам аламим бор эди, негаки, бир гал хўжалик марказида юрганимда Ботир олдимдан чиқиб қолган ва 3 минг сўм пул топиб бер, деб қаттиқ қалтаклаган эди. Ҳамкишлоғимиз Қуат Оразмбетовникида темир кесадиган асбоб борлигини билардим. Ўғирлаган милтиғимни кесдириш учун уникига ордим. Қуат мендан милтиқни нима қилмоқчисан, деб уч-тўрт бора сўради. Унга клиент топилса сотажагимни, ит-

Ҳукм ўқилди

# РАШК

***...Тун яримдан оққан. Кўни-қўшнилар ширин уйқуда. Раҳмон эса безовта. Қоронғуда тимирскиланиб уйнинг ертўласига кирди. Қўлидаги белкурак билан чуқур ковлай бошлади. Лекин ваҳима унинг юрагини тарк этмасди. Терлаб кетган юзларини енги билан арта туриб, ертўла туйнугидан атрофга яна бир назар ташлади. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, уйга кўтарилди. Ҳали совуб улгурмаган аёл жасадини ертўлага тушириб, ўзи кавлаган «гўр»га ётқизди-ю, тупроқ тортди.***

...Хаммасига рашк сабаб бўлди. Раҳмон ўша куни Натальяни қидириб, унинг ишхонасига борди. Не кўз билан кўрсинки, «хотини» Наталья бегона бир эркак билан унинг хонасида шакарғўрлик қиларди. Натальянинг бўлмағур ишлари Раҳмонга ёқмади. Наталья қонуний эри билан ажрашиб, ўғли билан бирга яшарди. Ишхонасида Раҳмон билан танишиб, уни уйига таклиф қилди. Шундан буён иккови никоҳсиз эр-хотин. Раҳмон Наталья уйга келиши билан оқ ва сўроқа тута бошлади.

- Қаерда эдинг?

- Ишхонамиздаги аёллардан бирининг туғилган кунида ўтиришдик.

- Нега алдаяпсан?

- Алдаганим йўқ. Ёлғон гапирсам, тил тортмай ўлай.

Натальянинг ёлғон гаплари Раҳмоннинг ғазабини қўзғатди. Қутилмаганда «хотин»ининг юзига кетма-кет мушт туширди. Қалтак зарбига чидай олмаган Наталья бақира бошлади.

- Сен кимсан? Менинг қонуний эримисан? Хўжайинлик қиладиган.

- Кимлигимни сенга кўрсатиб қўяман, - жаҳл аралаш Раҳмон уни яна қалтаклай бошлади.

- Раҳмон, уйдан кет. Сен менга хўжайин эмассан. Хоҳлаган эркак билан «юраман».

Бу гаплар Раҳмоннинг йиғитлик ориятига тегди. Кресло ёнида ётган аёллар носкисини олди-ю, Натальяни бўға бошлади. У жон ҳолатда ўғли Андрейни ёрдамга чақирмоқчи бўлди. Аммо...

Раҳмон Бойметов ҳақида икки оғиз маълумот: буйдоқ, ўрта маълумотли, ҳеч қаерда ишламайди. Ёши ўттиз бешда. Аслида пойтахтнинг Юнусобод туманидаги Уральск кўчаси 7 «а» уйда рўйхатда бўлса-да, Наталья Корниенконинг уйида салкам бир йил у билан никоҳсиз яшаб келган.

Рашк туфайли жазманини ўлдирган Раҳмон энди, ўзича уйнинг эгасига айланганди. Аста-секин рўзғордаги нарсаларни сота бошлади. Бир куни пул керак бўлиб қолганида уйнинг тўрида турган «Электрон» маркали рангли телевизорни «Олой» деҳқон бозорига олиб чиқиб сотиб юборди.

Раҳмон кечалари ухлай олмасди. Уни бир нарса қийнарди. «Қилмишимни билиб қолиша борми...» У шу ҳақда ўйлаганида юрагини қўркув босарди. Ўзини қаерга қўйишини билмасдан, кун бўйи шаҳарда дарбадар кезар, баъзан қўрқувни унутиш учун ўзини ичкиликка урарди. Марҳумнинг руҳи унга тинчлик бермасди.

Натальянинг техникумда ўқийдиган ўғли Андрей Раҳмондан ҳар куни онасининг қаердалигини сўрарди.

1997 йил 26 ноябрь куни ҳам шундай бўлди.

- Раҳмон тоға, (Андрей уни шундай деб атарди) онам қаерда?

- Онанг уч-тўрт кунга бир жойга бораман деяётганди, ўша ёққа кетгандир.

Раҳмоннинг кўзлари бежо эди. У Андрейнинг юзига тик қарай олмасди. Ўғил ҳам онасининг кўп ичишини биларди. Аммо, бедарак йўқолиш одатини билмасди.

Раҳмон эрталаб «ишга кетдим» дегач, Андрей ҳам техникумга кетарди. Ўша куни нимагадир Андрейнинг кўнглига дарс сиғмади. Чунки онаси икки-уч кундан бери йўқ, «қаерга кетиши мумкин?». Шу ўй унга тинчлик бермасди. Назарида Раҳмон «тоға»си ундан ниманидир яширади:

Андрей техникумдан уйига келди-ю, нимагадир оёқлари уни уйнинг ертўласига торта бошлади. У ертўлага киргач, кўзи бурчақдаги нам тупроққа тушди. Бирдан юрагини ваҳима босди. Аммо, қўрқувдан қизиқиш устун келди, шекилли, белкуракни топиб, ўша жойни ковлай бошлади. Кутилмаганда онасининг жасадини кўрди-ю, «дод» деб юборди.

... Кун бўйи ваҳималар гирдобида юрган Раҳмон ҳар кунгидай ҳеч ким сезмадимикин, деган ўйда кечга яқин уйнинг ертўласига кирди. Не кўз билан кўрсинки, Натальянинг «гўри» очилган эди. «Сир фош бўлса, мени соғ қўйишмайди». Миясига урилган фикрдан Раҳмоннинг юраги ёрилаёзди. «Бу ишни Андрей қилган» ҳаёлидан ўтказди у. Ва уни қидириб уйига чиқди. Раҳмоннинг қўлидан қутулиш қийин эди. «Тоға»сининг важоҳатини кўрган Андрей қочмоқчи бўлди. Бироқ кўзлари қонга тўлган «тоға»си илгақдати аёллар ҳалатининг белбоғини олиб, Андрейга яқинлашди. Йиғлаб ёлворишига қарамай, Андрейни ҳам бўғиб ўлдирди. Инсонийлик қиёфасини йўқотган Раҳмон бу жасадни ҳам ертўлага тушириб, онасининг ёнига кўмиб ташлайди.

Раҳмон бу жиноятни ҳеч ким очолмайди, деб ўйлаганди. Аммо, воқеа у ўйлаганчалик бўлмади.

Туман ИИБнинг жиноят қидирув бўлими ва туман прокуратурасининг тезкор гуруҳлари ишга киришишди. Жиноятни очиш оғир эди. Ишга ва ўқишга қатнаб юрган она ва бола изсиз йўқолган. Гумондор тариқасида сўроқ қилинган Раҳмон Бойметов ўз қилмишини яшириш мақсадида она бола «шаҳарнинг Беруний кўчаси 89-уйнинг 10-хонасида яшаяпти», деб орган ходимларини чалғитмоқчи бўлди. Кўрсатилган манзилгоҳда бундай уй йўқлиги аниқлангач, Раҳмонга бўлган гумон яна орта бошлади.

Туман ИИБ ва прокуратура ходимларининг меҳнатлари зое кетмади. Она-боланинг жасади ертўладан топилди. Сирли жиноят фош қилинди. Терговда ва судда Р.Бойметов ўз қилмишларини тан олди. У қабих жиноятни содир қилишига рашк сабабчи бўлганлигини кўрсатиб, суд хайъатидан жазони енгиллаштиришларини илтимос қилди. Одил суд айблануванинг илтимосини қондирмади. Бегуноҳ икки инсоннинг ҳаётига зомин бўлган Раҳмон Бойметовни суд олий жазога тортиш ҳақида ҳукм чиқарди. Қабих жиноят содир этган кимса учун бундан бошқача жаза бўлиши ҳам мумкин эмас.

**Б.АГЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори**
**З.МАМАДАЛИЕВ,**
**«Ҳуқуқ» мухбири**

---

Ит-ит қолипдан кўча бошлади...».

***

Қонунларимизга зид хатти-ҳаракат содир қилган шахсни бир шундай ноилажмиз ва улардан нафратланамиз. Уларни жиноят содир этишга нима мажбур қилди? Муаммоларни, келишмовчиликларни ҳал қилишнинг қонуний йўли йўқми? Дейлик, юқоридаги жиноятни содир этиш жараёнида Турдибой билан Оралбой қандай кечинмаларни ҳис қилди, уларни жиноятга бошлаган куч нима?

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ва Олий суди мазкур жиноятни атрофлича ўрганиб чиқиб, беш кишини айбдор деб топди. Булар Жиноят Кодексининг 248-моддаси 1-қисми, 97-модда 2-қисми билан айблануви Турдибой Ембергенов, Қаналбой Мурадкамолов, Қуат Оразмбетовлардир.

Айбига иқрор бўлган Турдибой Ембергенов қуйидагича кўрсатма беради:

- 1997 йилнинг 13 октябрида жўрам Оралбой билан оғам Ботирни ўлдирдик. Чунки, Ботир бизга бир умр озор бериб келди. Ҳеч қаерда ишламади, хоҳлаган пайтида келиб, уриб, кўркитиб, хоҳлаган нарсасини олиб кетарди. Онам бечора унинг қалтаклаларига чидай олмай, доим йиғлаганийиғлаган эди. У қазо қилганидан кейин ҳам Ботир тинчимади. Ота-онамиздан мерос уч-тўртта қора мол, йигирматача қўй-эчки, гилам ва бошқа нарсаларни кўркитиб олиб кетди. Ҳар келганида пул топиб берасан, деб жанжал қиларди. Яна ... опам ва сингилимни зўрламоқчи ҳам бўлган... Охири... Кўзимга ҳеч нарса кўринмади. Уни ўлдирмагунча қутулолмаслигимизни англадим. Ўзим ўлдирмоқчи эдим, кўнглим бўлмади. Кейин ўртоғимга айтдим.

Бир қарашда Турдибойнинг кўрсатмалари уни оқлайдигандек туюлади. Гўё у ўзини ҳимоя қилиш учун шу ишга қўл урган. Эҳтимол, шундай бўлгандир ҳам. Аммо, у ва опа-сингилари Ботирни ёмон йўлдан қайтариш учун жиддий ҳаракат қилишганми? Қолаверса, ўзларини ҳимоя қилиш учун нақотки қўл топа олишмаган? Бу Турдибой имони заиф, эътиқоди суст, кўрқоқ одам, деган хулосага олиб келмайдими? Шундай хулосага келдик ҳам дейлик. Бироқ, унинг кўрсатмалари бизни янада жиддийроқ ўйлаб кўришга ундайди. Яъни, жиноятнинг илдизи узоқроққа бориб тақалади. Оилада порокандалик бошланганига анча бўлган. Нақотки, бу порокандаликни уларнинг овулдошлари пайқашмаган бўлса? Ахир, Ботир ўз онасини муттасил қалтаклаб келган-ку. Тўғри, она бағри кенглик қилиб, ҳеч кимга шикоят қилмаганиқ рост. Аммо, буни бошқа фарзандлари кўрган, улар кимларгадир бу хусуда йиғлаб гапириб бергандир. Нақотки, атрофдагилар ношуд фарзанди инсоф-диёнатга чақиришга журъат қилишмаган. Нақотки, улар ақвол шу зайл давом этса, ёмон оқибатга олиб келиши мумкинлигини ўйламаганлар.

Ҳалқимизда бир мақол бор. «Оч қорнин тинч қулоғим». Кўпчилигимиз қулоғимиз тинч бўлиши учун бировнинг муаммоларига аралашишни ўзимизга эп кўрмаймиз. Кимнингдир онасидаги жанжал бўлганлигини эшитсак, бу хусуда бошқа бир қўшнимизга завқ билан ҳикоя қиламиз. Жанжал чиққан уйдан ўзимизни узоқроқ олиб қочамиз. Ҳеч қачон можароларга аралашмаганимиз, оила аъзоларини инсофга, муросага чорламаганимиз учун ўзимизни айбдор санамаймиз. Бу хусуда ўйлаб кўрмаймиз, ҳатто. Кегейлининг Б. Каримбердиев номли ширкатлар уюшмаси аҳолиси ҳам Ембергановлар оилосидаги можароларга бефарқ муносабатда бўлишди, акаукани яраштириб туришни ўзларига эп кўришмади. Ва ҳозир ҳам эҳтимол, бу фожеада қисман бўлса-да, ўзларини айбдор билишмас...

Айблануви Оралбой Бекмурадовнинг кўрсатмалари яна мулоҳазага ундайди.

- Рафатдин Есемуродов онамнинг укаси бўлади. 1997 йилнинг 1 октябрида уникига бордим. Ўйида онасидан бошқа ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, Рафатдиннинг милтиғини сотиш ёки уйдаги итни оттириш ниятида ўғирладим. Буни Рафатдин ҳам, унинг уйидагилар ҳам билмас эди. Милтиқнинг ичида бир дона эски ўқ бор экан. Шундай кунларнинг бирида синфдошим Турдибой уйимизга келди, дардини айтди. Унинг гапларини эшитиб, менда Ботирни ўлдириш истаги пайдо бўлди. Очиғи, унда ўзимнинг ҳам аламим бор эди, негаки, бир гал хўжалик марказида юрганимда Ботир олдимдан чиқиб қолган ва 3 минг сўм пул топиб бер, деб қаттиқ қалтаклаган эди. Ҳамкишлоғимиз Қуат Оразмбетовникида темир кесадиган асбоб борлигини билардим. Ўғирлаган милтиғимни кесдириш учун уникига ордим. Қуат мендан милтиқни нима қилмоқчисан, деб уч-тўрт бора сўради. Унга клиент топилса сотажагимни, ит-

# ЮРИДИК МАСЛАҲАТХОНА

***Эрим билан ажралганимга беш йилдан ошди. Бошқа турмуш қурганим йўқ. Собиқ эрим болаларимизни кўргани келиб туради. Эримнинг менга, менинг эримга кўнглимиз бор. Бекор қилинган никоҳни тикласа бўладими?***

**Н. СЎФИЕВА,**
**Шўрчи тумани, ўқитувчи.**

Эр-хотин ўртасидаги никоҳ қонуний тарзда бекор қилинган бўлса, (фуқаролик ҳолатларини ёзиш идораларида қайд этилиб, ҳар бирига никоҳи бекор этилганлиги ҳақида гувоҳнома берилган ҳолда) собиқ эр-хотин Ўзбекистон Республикаси амалдаги «Никоҳ ва оила» кодексининг 17-моддасига асосан никоҳ тузиш учун никоҳланувчиларнинг ўзаро розиликлари асосида бу тўғрида ўзлари яшайдиган жойдаги ФХДЁ идорасига ариза билан мурожаат қилишлари мумкин.

***Оила йилида ариза берилган бўлса никоҳ бекор қилинмайди, деб эшитдик. Шу тўғрими?***

**Қизларгул ЖЎРАЕВА,**
**Денов, ишчи.**

«Никоҳ ва оила» кодексининг 44-51 - моддаларига асосан, уч ойдан олти ойгача эр-хотиннинг ярашиши, бир-бирларини тушунишлари учун муҳлат берилади. Бу қонун-қоидалар бугунги кунда ҳам ўз кучида. Оила йилида никоҳлар бекор қилинмайди, деган гаплар асоссиз. Қонун ҳаммага баробар. «Никоҳ ва оила» Кодексининг 45-моддасига асосан суд агарда, эр билан хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишига имконият йўқ, деб топса, уларни никоҳдан ажратади.

***Руҳий касал бўлиб соғайган кишига уйланиш таъқиқланганми?***

**У. ДАРХОНОВ,**
**Узун тумани, ишчи.**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Никоҳ ва оила» кодексининг 19-моддасига кўра, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳоллардан бири бу никоҳдан ўтувчилардан лоақал биттаси руҳий касаллиги ёки ақлий заифлиги сабабли суд томонидан муомалага яроқсиз, деб топилишидир. Чунки, бундай шахслар ўз ҳаракатларининг оқибатига жавоб бера олмайдилар ва никоҳга киришда онгли хоҳиш билдира олмайдилар.

Руҳий касал бўлиб соғайган шахс онгли равишда хоҳишистак билдира олсагина никоҳдан ўтиши мумкин.

**Саволларга Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси С. УМЕРЗОҚОВА жавоб берди.**

## Наср

**Антонио АМУРРИ**
**(Италия)**

# МЕН ТУҒИЛГАН КУН

***(Ҳажвий ҳикоя)***

Менинг бир қари тоғам бор, у ҳар йили туғилган кунимда, албатта, менга эллик лира совға қилади. Агар шу тоғам бўлмаса, мен ҳаётимда ана шундай дабдабали кун борлигини билмаган бўлардим, туғилган куним ҳам одатдаги кунлардай билинмайгина ўтиб кетаверарди. Аксинча, тоғам, мана, неча йилдан бери атай келиб, менинг ётоқхонамга кириб, елкамга қоқади, ўзининг бу амалидан мамнун жилмайиб, ҳозиргина олган нафақасидан ажратган, бели синмаган янги элликталикни узатади. Шундан сўнг оила аъзоларининг ҳаммасига эшитадиган қилиб, ўзининг «совғасини» биринчи бўлиб берганини жар солади. Бу қолганларга туртки беради. Табриклашни болакайлар бошлаб беришади. Биринчи бўлиб уйқули кўзиларини уқалаб Роберта киради ва у менга жавонимдан олган, китоб магазинининг тамғаси босилган шалдироқ қоғозга ўралган китобимни тақдим қилади:

- Дадажон, табриклайман! - дейди қизалоғим.

- Бу китоб сизга ёқадими? Уни ўқиб чиққансизми?

- Йўқ, ҳали ўқиганим йўқ. Раҳмат қизим, - дейман ўзимни жуда хурсанд ва қизиқаётган кўйга солиб.

Ахир, муҳими совға эмас, инсонга эътибор-ку. Мана, Роберта эски китобимни ўзимга тақдим қилиб, эътиборини намоён қилди. Мен каравотда осиғлиқ шимга қўл чўзиб, чўнтагидаги чарм ҳамёнимни олмоқчи бўларканман, қизалоғимнинг кўзлари яшнаб кетади:

- Мана, дадажон, - дейди Роберта чаққонлик билан ҳамёнимни очиб менга узатаркан. Унга «конфет оласан» дея ҳамёндан минг лира олиб узатишдан ўзга чора қолмайди.

Орадан сал вақт ўтар-ўтмай яна иккитаси киради. Бу «делегация»нинг бошида хотиним тургани, болаларни кўчанинг нариги томонидаги гул дўконига чоптириб, саккиз дона чиннигул келтириб, олдимга киритиб юборгани сир эмас. Бундайин сўлғин ва кўримсиз гулдастани умримда кўрган эмасман, бироқ уни менга жигарғўшаларим, азиз болажонларим тақдим қилаётир, шунинг учун ҳам буни дунёдаги энг гўзал гулдаста сифатида қабул қиламан. Ахир, муҳими совға эмас, эътибор-ку. Мана, «совға» ҳам, «эътибор» ҳам таптайёр.

Болалар қувлик билан кўзимга қарашади. «Конфет оласизлар», деб уларга уч минг лира узатаман.

Ана шундан сўнг хотиним кириб келади.

- Дадажониси, табриклайман. Оёғингизнинг размери нечанчи эди? - деб сўрайди у.

- Э, бекор овора бўлибсан, ташвишланиб нима қилардинг. Менга совға керакмас, ўзинг биласан-ку, - дейман.

- Йўқ-йўқ, мен сизга арзийдиган совға қилмоқчиман. Оласиз, адаси, оласиз. Ахир, туғилган кунингизга бир нима совға қилмайманми, энди? Мен сизга чиройли, чидамли туфли совға қилмоқчиман. Биласизми, яхшиси, туфлини ўзингиз кийиб кўриб олганингиз маъқул. Пулини ойнинг охирида рўзғорга ишлатиш учун менга берадиган пулингиздан чегириб қоласиз. Тўғрими? Келинг, яхшиси бундай қиламиз. Яқинда менинг ҳам туғилган куним бўлади, сиз бунга қанча пул ажратмоқчисиз, шуни айтинг. Мен бу пулга ўзимга сумкача оламан. Туфли қанча турса сумканинг ҳам шунча нархдагисини оламан. Бу сизнинг менга совғангиз бўлади. Тўғрими? Шундай қилиб биз, бир-биримиздан қарзимизни узамиз. Рўзғорга ишлатиладиган пулни менга тўлиқ берасиз. Хўпми, дадажониси?

Ана шунақа. Менинг хотинимнинг пишиқлигига ҳар қандай эркак ҳавас қилса арзийди.

Кўнглим тоғдай кўтарилиб, тўшакдан енгил бўлиб тураман ва каравотда ўтириб, кекса тоғамнинг атиги эллик лирали совғаларини санайман. Тоғамнинг туғилган кунларимда ҳадя қилган элликталикларини махсус қутичада асраб юраман ва ҳар йил туғилган куним уларни одатда қўлимга олиб санайман: бу машғулот мени бундан кейин ҳам пул тўплашга руҳлантиради.

**А.ОТАБОЕВ таржимаси.**

***Сўнгги қўнғироқнинг сўнгги лаҳзалари.***

## Футбол. Олий табақада

# КУЧЛИЛАР ҲАМОН ОЛДИНДА

Мамлакат миллий чемпионатининг олий лигасида иштирок этаётган командалар 11-тур ўйинларини ўтказишди. Бу турнинг марказий ўйини Фарғонада бўлди. Майдон эгалари - «Нефтчи» футболчилар пешқадамлардан бири «Навбаҳор»ни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

«Пахтакор» эса Термизда «Сурхон» меҳмони бўлди. Бу учрашув 3:1 ҳисобида пахтакорчилар фойдасига ҳал бўлди.

Ушбу турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Трактор» - «МҲСК» - 6:1, «Сўғдиёна» - «Хоразм» - 4:0, «Бухоро» - «Металлург» - 2:1, «Темирйўлчи» - «Зарафшон» - 2:0, «Андижон» - «Косонсой» - 0:0, «Дўстлик» - «Насаф» - 0:0.

Турнир жадвалида 26 очко тўплаган «Пахтакор» ҳамон пешқадам бўлиб турибди.

## Турфа олам

### ЁҒОЧОЁҚЛИЛАР МУСОБАҚАСИ

Неча йиллардирки, Франциянинг Аркашон шаҳрида ёғоч оёқда юриш бўйича мусобақа ўтказилади. Беллашув қатнашчилари Аркашондан Вьё-Букс қишлоғигача бўлган 105 километр масофани босиб ўтишлари керак. Мусобақа ҳар бир қатнашчидан кўп куч ва чаққонликни талаб этганлиги учун спортчилар унга йил бўйи тайёргарлик кўришади.

### ФИЛЛАР ФУТБОЛ ЎЙНАШДИ

Индонезиянинг Бандар Лампунг шаҳрида 1985 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган филларни ўргатиш мактабининг битирувчи филлари майдонга тушди.

25 дақиқалик мусобақада «Норанг Сари» командаси ҳужумчиси киритган тўп ўйин тақдирини ҳал қилди. «Раж Бас» командасининг дарвозабонининг ҳаракатлари ҳакамга ёқмади. Оқибатда у дарвозабонга сариқ карточка кўрсатди. Ҳакамнинг ҳаракатидан норози дарвозабон майдонни ташлаб кетди. Филлар ҳаракатини от минган чавандозлар кузатиб турди. Энг қизиғи, ушбу ўйинни кўриш учун минглаб мухлислар мамлакатнинг турли шаҳарларидан келишган эди.

### СУЗУВЧИ ОТЛАР

Одатда отлар пойгаси ипподромларда ўтказиларди. Танти оролида эса отлар пойгаси сувда ўтказилди. Чавандозлар ўзларининг тўрт оёқли шериклари билан минг метр масофани сузиб ўтишлари керак.